

01.09.11
E 25

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»**

номли асарини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

“ИҚТИСОДИЁТ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН ШАРОТИДА УНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»

номли асарини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик
бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан
олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган



Иқтисодиёт – 2009

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
«Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни
бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганини
бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 6.**

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тавсиясига кўра таълим тизимиға жорий қилинаётган маҳсус ўқув курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни баён этилган.

Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиши сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида кўлга киритилаётган ютуклар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида талаъбаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга қўлланмадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, республикамида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига кизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: **и.ф.д., профессор Б.Ю.Ходиев**
 и.ф.д., профессор А.Ш.Бекмуродов
 и.ф.н., доцент У.В.Ғофуров
 и.ф.н., доцент Б.К.Тухлиев

Тақризчилар: **и.ф.д., профессор Н.М.Маҳмудов**
 и.ф.д., профессор Ш.Ш.Шодмонов
 и.ф.д., профессор Б.Б.Беркинов

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	5
Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари.....	9
I бўлим. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.....	11
1. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари.....	11
2. Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари.....	21
3. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.....	24
II бўлим. Банк тизимини қўллаб-куватлаш, ицлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишининг ишончли йўлидир.....	28
1-боб. 2008 йилда иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатларининг изчил таъминланиши	28
1.1. 2008 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган асосий натижалар ҳамда изчил ривожланишнинг муҳим омиллари.....	28
1.2. Мамлакатимизда аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш, ташки савдо ҳамда экспорт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар.....	33
1.3. Тарқибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда кулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги.....	37
1.4. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари.....	41
1.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларининг барқарор ривожланиши.....	44
1.6. Банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида эришилган натижалар.....	48
2-боб. Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш – мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши.....	53
2.1. 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмуни ва аҳамияти.....	53
2.2. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс	

чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифалар.....	55
2.3. Ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа иштимол товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтирипни рағбатлантириши.....	63
3-боб. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари.....	67
3.1. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари.....	67
3.2. Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар....	72
3.3. Қишлоқда ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш.....	75
3.4. Қишлоқдаги мулқор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш.....	77
4-боб. Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада ривожлантириш – устувор вазифа.....	82
4.1. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши.....	82
4.2. Кичик бизнесни қўллаб-куватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг янада кучайтирилиши.....	88
4.3. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар.....	91
5-боб. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, банк ишини янада такомиллаштириш-мамлакатни модернизация қилишининг муҳим омили.....	94
5.1. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастурининг моҳияти ва асосий вазифалари.....	94
5.2. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлантириш ишларини кучайтириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асоси.....	100
5.3. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлани борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш.....	102
5.4. Банкларда омонатларнинг кўшайинига, уларнин банк тизимига жалб этилинига тўсқинлик қилаётган омилларни биргалир тини чора-тадбирлари.....	108
Фойдаланилган адабиётлар.....	111
Иловा. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги Йили» давлат дастурда белгилаб берилсан муҳим чора-тадбирлар.....	113

СҮЗ БОШИ

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакилдигириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ахоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банкомия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонида ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириши йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва мэрраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иктисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги боскичлардан кескин фарқ қиласди. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялапуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Лйни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсири кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлап лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялапув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўргасида ижтимоий-иктисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда ахоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўскинилик қиласди. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисбланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маъпода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг жорий ва истиқబолдаги чора-тадбирларини белгиланида

жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиши сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун гоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишилари белгилааб берилган:

- 1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;
- 2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юкори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;
- 3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулқдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқинга, фермер хўжалигини ривожлантиришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;
- 4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унини турмуши сифатини оширишини энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;
- 5) мамлакатни модернизация қилиш иш аҳоли бандлигини оширишини энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомилаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидағи депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириши, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишини таъминлаш, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровошлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чукур англаб этилишини тақозо этади. Шунга қўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тавсиясига қўра Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарларини талабалар томонидан чукур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини аниглаш, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини билиш мақсадида мазкур маҳсус курсининг жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида маҳсус курсни ўқитишда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ушбу ўқув қўлланма тайёрланди. Ўқув қўлланмана Президентимиз асарининг мазмуни ва таркибий тузилишидан келиб чиқсан ҳолда 2 та бўлимдан иборат ҳолда ёзилган. Бунда асарда баён ўтилган масалалар ва муаммоларнинг мантиқий изчиллиги тўлиқ ҳисобга олинган.

Президентимиз томонидан асарда баён этилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган муаммолар ва уларни ҳал этиши йўлларини талабаларга янада кенгроқ ва чукурроқ тушунтириш мақсадида ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки ва бошқа катор вазирлик ва идораларнинг маълумотларидан, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар хокимларининг 2009 йил 14 январь – 1 февралдаги минтақавий семинарлари материалларидан кенг фойдаланилган.

Ушбу маҳсус курсни кенг ўрганишга ёрдам берувчи электрон-визуал ва интерактив воситалар, жумладан, «Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган «Оммабон иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабон қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётини либералаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Хамидов О.М., Ғафуров У.В. ва

И.У.Неъматов, ўзбек тилида) экспресс-проспекти, «2008 йилда Республикан ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестлар ҳамда уларнинг электрон-визуал версияларидан кенг фойдаланиши тавсия этилади.

Ушбу материаллар ҳамда уларнинг электрон версиялари маҳсус курс дастурига илова қилинади.

ЎҚУВ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўқув курсининг мақсади: Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳои молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарининг асосий мазмуни ва унда кўрилган масалалар бўйича кенг тасаввур ва билим ҳосил қилиш.

2. Ўқув курсининг вазифалари:

- талабаларда жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, унинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари ва таъсир оқибатлари тўғрисида кенг тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилиш;

- жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири, унинг оқибатларини олдини олиш ва юмпалишига асос бўлувчи омиллар тўғрисидаги билимларни шакллантириш;

- жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг олдини олиш, унинг таъсир оқибатларини бартараф этишда фаол ва онгли равишда иштирок этиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини англаш;

- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантариш борасида эришилган ютуклар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўғрисида кенг билим ҳосил қилиш;

- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуклар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйнусини янада мустаҳкамлаш;

- мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожлантаришда мавжуд муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари борасида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;

- ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй берастган ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш кўнимкамларини шакллантириш;

- мамлакатимизда рўй берастган ўзгаришлар, янгиланишлар ва чукур ижтимоий-иктисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг ҳар томонлама асосланган, объектив, реал нуқтаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш;

- мамлакатимиз иктиносидиётининг ривожланиш тенденциялари, унинг турили тармоқ ва соҳаларини янада тараққий эттириш имкониятлари, ҳудудларнинг ишга солинмаган ички салоҳиятлари тўғрисида ҳосил қилинган билимларни амалиётда қўллаш борасида дастлабки ўқув-амалий кўнимкамларни ҳосил қилиш;

- республикамида амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ҳамда улар натижасида рўй берастган туб ўзгаришларнинг

барчаси инсон манбаатларини рўёбга чиқарим мақсадига йўналтирилганлигини англам, ёнларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролини чуқур хис килишини таъминлаш асосида ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

И БЎЛИМ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИННИГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЮМШАТИШГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

1. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИННИГ МОХИЯТИ, КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил тошиши ва ривожланишини англаради.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўргасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб тошиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юкори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаптириш ва унга бир томонлама қарашиб тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй берадётган ижтимоий-иктисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй берадётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шунга кўра, Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиши йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши сабабларига батафсил тўхталиб ўтдишлар.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиши йўлларини излашдан иборат.

И. Каримов (асардан).

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди¹.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёкатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзууллик ҳолатлари эҳтимоллитини оширди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арzon кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аҳолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртacha икки баробарга ошиди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошиди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Цировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга кўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «Гардиан» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айборлари рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргароф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланнишнинг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Аксарият молиячи-иктисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлантирип сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланнишини таъкидлаш лозим. Йул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилинини лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларниң байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишининг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига замин яратди. Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузуб юрувчи валюта тизимиға ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан АҚШ доллари етакчи валютага айлангач, унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алокаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди. Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан дёярли 10 баравар, агар пулнинг айланиши тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қўйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молияланган ставкасини сурункали равишда наст даражада ушлаб турилини натижасида қарзга ялашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан соҳта хulosалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва соҳта аудит хulosалари тақдим этилиши;
- молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки микдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юкори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Президентимиз ўз асарларида дунёning ҳозирги вақтда бир катор етакчи таҳдил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хulosаларга келаётгандигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, «**Биринчидан, молия-банк тизимидағи инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик қўламининг чекланиши, талаб ва ҳалқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг қўплад мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиҳдий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдигини топмоқда**¹».

Кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётгандиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Дунёning айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги узгаришлар (млрд.АҚШ долл.)

Мамлакатлар	1996 йил	2007 йил
Ривожланган мамлакатлар, жами	46,2	-798,8
АҚШ	-120,2	-854,7
Япония	65,4	81,0
Европа Иттифоки	88,5	-228,0
Бошқалар	12,5	202,2
Ривожданаётган мамлакатлар, жами	-87,5	509,7
Хитой	7,2	562,0
Якин Шарқ ва Африка	5,9	311,0
Бошқалар	-100,6	-363,3

Жадвалдан кўринадики, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар хиссасига 46,2 млрд. доллар ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдоси тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 798,8 млрд. доллар ҳажмдати

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-6.

салбий сальдони, яъни тақчилликни ташкил қилган. Аксинча, бу даврда ривожланаётган мамлакатларда бутунлай тескари манзара кузатилиб, уларнинг 87,5 млрд. долл. ҳажмдаги салбий тапки савдо сальдоси 509,7 млрд. долл. ҳажмдаги ижобий ташки савдо сальдосига айланган.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилган бундай номутаюсиблик ҳолатлари, яъни ривожланаётгани мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташки савдо балансидаги йирик микдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсади. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн. доллари, яъни жами захираларининг қарийиб 59% Осиёнинг 10 та йирик мамлакати ҳиссасига тўғри келмоқда.


Аксарият халқаро эксперtlарнинг эътироф этишларича 2007 йилда АҚШ ипотека бозорларида бошланган инқирознинг авж олиши ва уни жаҳон молиявий инқирозининг қелиб чиқишига фаол таъсирини АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмол килувчиси ҳисобланганлигини келтириб ўтишади. Маълумотларга караганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқищдаги ҳиссаси 20% ни ташкил қиласада, унинг истеъмолидаги ҳиссаси қарийиб 40%ни ташкил қиласди.

Ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташки қарзи микдорининг ўсиб борганилиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоги ўсанлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди (1.1-расм).

1957 йилдаги Мексикадан хорижий инвестицияларни чиқиб кетиши билан боғлиқ инқироздан етарли хулоса чиқармаган АҚШ ҳукуматининг ташки қарзлари ўсиб борди ва жами ҳукумат қарзларининг таркибида ташки қарзларининг салмоги қарийиб 44% дан ортиб кетди. Бу ҳолат биринчидан, кредиторларнинг АҚШ миллий иқтисодиётининг барқарорлигидан манфаатдорлигини ортишига ва Федерал бюджетнинг қарзлар амортизацияси ҳамда фоизларни тўлаш учун қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича давлат харажатларининг ортишига ҳам олиб келди.

1.1-расмдан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташки қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоги ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташки қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоги қарийиб 90% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37% ни, Қозоғистонда 102% ни, Украинада 64% ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81% ни ташкил қилган.

Жаҳондаги айрим давлатлар ташки қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда



1.1-расм


Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёsat натижасида ташки қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги саломги 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар кискарган.

Хозирда кўплаб мутахассис ва эксперталар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайиши, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайтанилиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилилмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (1.2-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидағи ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансферларнинг кўпайиши хисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда инқизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари



1.2-расм

Шунга кўра, хукуматлар даражасида инқизордан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида бандлик масалаларини, талабни рагбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришига қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг килиб кўймоқда.

Президентимиз ўз асарларида молиявий инқизор ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хуносани таъкидлаб ўтдилар: «**Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқизор жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсанлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқизор асосан ўз корноратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади**»¹.

АҚШ Федерал захира хизматининг собиқ раиси Алан Гринспен бошчилигига АҚШ федерал захира тизими томонидан олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати, ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равищда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсади. Федерал захира тизимининг экспансацион пул-кредит сиёсати тижорат банкларига тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25%гача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи. Ўзбекистон-и нарентида уни баргароф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Узбекистон, 2009. 56 с. АТ
18958

Алан Гринспенниң ипотека бозорларига эътиборсизлиги, ипотека кредитлари бериш талабларининг ҳаддан зиёд эркинлаштирилиши натижасида бозорда кўчмас мулкларга талаб ортди ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши кузатилди.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувиғилиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу холат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг ҳисобга олинмаслигига имкон яратди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан амалдаги банк капиталини ҳалқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқирозни вужудга келиши учун замин яратганлиги эътироф этилмоқда. Маълумки, 90-йилларнинг бошида қабул қилинган банк капиталини ҳалқаро тартибга солишнинг Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилиги активларнинг инвестицион сифатлари ва уларнинг риск даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутади. Натижада Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари хulosаларига асосланган ҳолда юқори рискли активларни секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришни рағбатлантирган.

Оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотларга кўра, Moody's, Standard & Poors ва Fitch каби рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга AAA рейтингини берганлиги билан инқирозга ўз ҳиссанини қўшганликда айланмоқдалар. Мазкур рейтинг агентликлари томонидан ипотека бозорларидаги қимматли қоғозлар бўйича берилган хulosаларига асосланниб фаолият юритаётган тижорат банклари ва барча ипотека кредитларининг 70% ни тақдим этувчи давлат ипотека агентликлари (Freddie Mac (the Federal Home Loan Mortgage Corporation) ва Fannie Mae (the Federal National Mortgage Association)) активлари сифат кўрсаткичларининг пасайиши кузатилди ва, пировардида, улар тўлиқ давлат назоратига ўтди.


Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиқсан қуйидаги учинчи хulosани таъкидлаб ўтдилар: «**Учинчидан, молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўн жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоглиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек,**

олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ».

ХХ асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашпуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инкиroz дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли көзозларига күйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инкиroz жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага таъсир килди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanghai composite, PTC, MMVB ва б.) ўз аксини тоиди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари хисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг ўсиш суръатлари кейинги йилларда аҳамиятли даражада пасайиб кетди (1.3-расм).

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари



1.3-расм

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инкиrozдан жиддий азият чекаётган Буюк

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўлларни ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

Британия ва Германияда 2009 йилда ялши ички маңсулотни ишлаб чиқаришида 2008 йилга нисбатан 0,1% ва 0,2% га пасайиши кутилмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози МДХ мамлакатларини ҳам четда қолдирмади. Инкрос Россия, Украина ва Қозогистонда ўзининг жиддий салбий оқибатларини намоён қилди.

Россияда асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритувчи етакчи компаниялар акцияларининг нархлари кескин тушиб кетди. Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон энергетика ресурслари бозоридаги нобарқарор конъюнктуранинг вужуга келиши натижасида содир бўлди.

«Қозогистон иқтисодий мўъжизаси» деган ном билан танилаётган Қозогистондаги «очик иқтисодиёт» сиёсати ва стихияли тавсифга эга бўлган жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёни глобал молиявий инқироз шароитида ўзининг жиддий камчиликларига эгалигини кўрсатди.

Экспертларнинг эътироф этишларича, Қозогистонда банклар фаолиятини назорат қилувчи органлар фаолиятининг етарли даражада ташкил килинмаганлиги натижасида банк тизимининг ташки қарзлари тижорат банклари мажбуриятлари таркибида шундай даражагача етиб бордики, натижада мамлакат иқтисодиётининг мавжуд ҳолати уларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлмай қолди. Банклар томонидан ташки кредит ресурслари ҳисобига, биринчидан, кредитларни ўз вақтида қайтара олиш лаёкати шубҳали бўлган қарздорлар учун, иккинчидан кўчмас мулклар бозоридаги спекулятив мақсадлардаги фаолият учун кредитлар берилишип банк-молия тизимининг барқарорлигига путур егказди. Натижада Қозогистонда ҳам кўчмас мулк обьектлари нархларининг маълум бир муддат давомида сунъий равишда кўтарилиши содир бўлди ва бу ҳолат узоқ давом этмасдан, кредит бозоридаги дефолт ҳолатини юзага чиқарди.

Ипотека бозоридаги сунъий шакллантирилган юқори нархларнинг кескин тушиб кетиши ва иқтисодиётдаги таназзулли ҳолатлар қатор банклар ва корхоналарнинг инқироз чегарасига олиб келди. Капиталларнинг четга чиқиб кетиши, сузуб юрувчи курслар бўйича олинган ташки қарзларнинг қимматлашуви банк тизимидағи муаммоларда ўз ифодасини топди ва улар активлари сифатининг пасайиши Қозогистон банкларининг халқаро кредит рейтингининг пасайиб кетишига олиб келди.

Хозирда айрим таҳлилчилар, Қозогистон ҳукуматининг инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича кўраётган чора-тадбирлари мамлакат банк тизими фаолиятини қайта тиклаш учун етарли эмаслигини эътироф этмоқдалар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирда ривожланиб бораётган молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва болқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайиб бормоқда. Бундан кўринадики, ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг

ўзига хос хусусияти – бу унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигидир.

2. РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИДАН ЧИҚИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хulosани қўйидагича баён этдилар: «**Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириши қўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйгунилигига боғлик**»¹.

Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялни маҳсулотининг 85 фоизи ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштироқида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳакида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қуткариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиб, уларни бюджет маблаглари ҳисобига ликвидли активлар билан таъминлай бошлади.

АҚШ ҳукумати иқтисодиётга йирик масштабдаги давлат аралашуви сиёсатини юрита бошлади. АҚШнинг собиқ молия вазирининг ташаббуси билан Конгресс «Полсон режаси» деб номланувчи режани қабул қилди. Мазкур режанинг умумий ҳажми 700 млрд. долларни ташкил қиласди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимида фойдаланишига

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатта таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг химоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга хожат йўқ.

И.Каримов (асардан).

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. -- Т.: Ўзбекистон, 2009, 6 б.

келишиб олишди. Бу холатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларнинг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни кўллаб-куватлаш имконостарига эга бўлади.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими кимматли қоғозларни сотиб олиш орқали ҳусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётiga ўтиш орқали ликвидлиликни таминлашнинг янги усулига ўтди.

Буюк Британия ҳукумати банклар ва молиявий муассасалар акцияларига 37 млрд. фунт стерлинг маблагларини инвестиция қилишини эълон қилди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини кўллаб-куватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишни эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча жамгармачилар пул жамгармаларини З йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека кимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблаг ажратди (1.2-жадвал)¹. Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди.

1.2-жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши қурашга сарфланган молиявий харажатлари

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисб. % хисобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Инқироздан кутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик доктрини орқага ташлаш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулиаридан кенг фойдалана бошладилар.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини берини мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши қураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларининг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотта нисбатан саломоги инқирознинг

¹ Манба: Интернет маълумотлари.

таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарини куранг бўйича ишлаб чиқкан режалари ҳажмига асосланади.

Юкоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ хукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат япни ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияяда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпни ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиши бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиши йўналишларига эга (1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Инқирозни бартараф этишига ажратилган маблағларнинг йўналишлари

Мамлакат	Кредит маблағларига давлат кафолати		Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар		Юқори рискли, шубҳали активларининг харири		Бонкалар		Жами
	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	
Россия	-	-	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	-	-	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539
Германия	539	60	177	20	-	-	176	20	893
Япония	303	53	-	-	-	-	237	47	576
Хитой	-	-	-	-	-	-	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишига сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоги 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоги 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоги қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

3. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИННИГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЮМШАТИШГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлади, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўймас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун ҳалқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг ажралмас таркибий кисми ҳисобланади»¹ деган сўзларини яна бир бор ёсга олиш мухимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёсларидағи иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётилизга ўз таъсирини кўрсатилип мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эринган дастлабки йилларда, бошқа МДҲ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишнинг қандай тамойиллари ва усуllibарига асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашуда қайси йўлдан бориши масаласи кўндаланг турар эди.

Мамлакатимизнинг узок ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиши, улар тутдиралиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлгандаги иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуllibарни қўлланди ва бундай ёнданув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

И.Каримов (асардан).

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узок ва давомли миллий манфаатларимизни амалига опириш вазифасини кўяр өканмиз», «июк терапияси» деб аталган усуllibарни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»².

Бироқ, ўз ўринда таъкидлаш лозимки, молиявий инқирозининг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим кўйни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қиласди. Агар бояқ мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимишини иҷдан чиқиши ва

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон широитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-6

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон широитида уни баргароф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7 б

ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқарип кетини, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомаёш бозорларида талабнинг сусайини туфайли нархларнинг кескин насайини ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайипти, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг насайини натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқарип орқали намоён бўлади.

♦ Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юргитганда хеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсир ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кўрсатади.

И.Каримов (асардан).

таъсирини насайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграцияланганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шартшароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсилардан ташқари биз учун ижобий таъсиларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Farb бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини кўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишининг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;

- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олини зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

- Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлапшини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилюна ташки қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳаки ва даромадларини изчилини олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчилик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иктисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизmlари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Хозир Ўзбекистоннинг умумий ташки қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг ҳалқаро даражадаги тўлов қобилиятта эгалигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан возкешиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллӣ иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инкиrozнинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллӣ иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва хукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир.

Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўгри жалб қилинадиган инвестициялар улушкига тўгри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўгри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллӣ иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятта эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда глобал инкиrozнинг оқибатларини, бугуни ва эртаниги кутиладиган таъсирини хисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг қўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда.

И.Каримов (асардан).

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсии жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўгри инвестициялар улушкига тўгри келади.

Дарҳақиқат, хозирги кунда ташки дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни

модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлани бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларининг илгор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб борини маҳаллий, ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиҳдий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, хукуматимиз томонидан инцироверзга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

**П БЎЛИМ. БАНК ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ЯНГИЛАШ
ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ – ЎЗБЕКИСТОН
УЧУН ИНҚИРОЗНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ЖАҲОН БОЗОРИДА
ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧИҚИШНИНГ ИШОНЧЛИ ЙЎЛИДИР**

**1-БОБ. 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЮҶОРИ ЎСИШ
СУРЪАТЛАРИНИНГ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАНИШИ**

**1.1. 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА
ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ НАТИЖАЛАР ҲАМДА ИЗЧИЛ
РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ**

Президентимиз жаҳон молиявий инқиrozи мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иктисодий таъкидлаб кўрсатганинига таъкидлаб ўтдилар.

«Бундай таъсир, – деб ёзадилар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишпида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиласидаган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга кўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни тугдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун гоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юҷори ўсиши суръатларини изчил таъминлашига эришдик»¹.

Барчамизга маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаширишнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чикувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижага ва сезиларли ўзгаришилар қўлга


Иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иктисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини ишобатга оладигаи бўлсан, жаҳон молиявий инқиrozи, аввало унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатадиган хақида гапириб ўтиришининг хеч қандай зарурати бўлмаса керак, деб ўйтайман.

И.Каримов (асардан).

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқиrozи, Ўзбекистон шароитига уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-б.

киритилди: иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсими ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаринин таркиибӣ ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишини давом эттирилди (1.1.1-расм).


2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришинин тиз муддим устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари



1.1.1-расм

Жумладан, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фойзни ташкил этди (1.1.2-расм).

ЯИМНИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЎСИШ ДИНАМИКАСИ, ФОИЗДА



1.1.2-расм

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал


Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби (%)

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Саноат	14,2	14,1	14,5	15,8	17,5	20,7	22,1	24,0	22,3
Қишлоқ хўжалиги	30,1	30,0	30,1	28,6	26,4	25,0	24,0	21,7	19,4
Курилиш	6,0	5,8	4,9	4,5	4,8	4,9	5,1	5,5	5,6
Хизматлар соҳаси	37,2	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3
Соф соликлар	12,5	11,9	12,6	13,7	14,1	11,0	11,1	9,5	9,3

Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 24 фойз ўрнига 2008 йилда 22,3 фойзни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги саломгининг 19,4 фойзга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомилләшиниб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади. Айни пайдада ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф соликлар ҳиссасининг 9,3 фойзга қадар қискарғанлиги мамлакатимиздаги солик юкининг тобора пасайиб бораётганлиги кўрсатади.

Мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошиб, унинг ўсиш суръати мустакилик йилларида ишл бор 128,3% ни ташкил этди (1.1.3-расм).


Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида ўсиши динамикаси, фоизда



1.1.3-расм

Давлат бюджети ортиги билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди (1.1.4-расм).

Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши даражаси, фоизда



1.1.4-расм

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Молиявий инқизорзининг салбий таъсирига қарамай, 2008 йилда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиши суръатларига эришилди. Масалан, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати саноатда 12,7

фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришида 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўеди (1.1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидағи ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Саноат маҳсулоти	105,9	107,6	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,7
Истеъмол моллари ишлаб чиқариши	106,2	107,6	108,4	108,5	113,5	116,6	120,7	118,8	117,7
Қишлоқ хўжалиги	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	106,2	106,2	106,1	104,5
Хизмат кўрсатиш	115,7	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3
Курилиш ишлари	103,0	103,4	103,4	103,7	104,3	110,7	115,0	115,7	108,3
Транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми	112,8	102,2	106,3	107,4	106,3	111,0	107,5	111,5	110,2
Чакана савдо айланмаси	107,6	109,6	102,1	104,2	105,2	105,1	114,7	121,0	117,2

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: курилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўеди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар кўлга киритилиб, ўтган йилга нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди. З миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна галла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиптирилди. Аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди (1.1.3-жадвал).

1.1.3-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ишлаб чиқарилиши

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, % да
Сабзавотлар	минг тонна	4669,9	5217,4	111,7
Картошка	минг тонна	1188,1	1398,7	117,7
Полиз маҳсулотлари	минг тонна	840,0	981,2	116,8
Мевалар	минг тонна	1269,1	1402,8	110,5
Узум	минг тонна	880,3	791,0	89,9
Гўшт	минг тонна	1208,6	1287,9	106,6
Сут	минг тонна	5097,4	5426,3	106,5
Тухум	млн. дона	2214,7	2429,0	109,7

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида картошка (117,7%), полиз маҳсулотлари (116,8%), сабзавотлар (111,7%) етишириш нисбатан аҳамиятли даражада ўсган бўлса, факат узум ўтган йилга тақдослаганда 89,9% даражасида етиширилган.

Умуман олганда, юкоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 2008 йилнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиги учун ғоят мураккаб ва оғир бўлғанлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг юкори даражасига эришилди.


1.2. МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ЎСИШНИИ ТАЪМИНЛАШ, ТАШКИ САВДО ҲАМДА ЭКСПОРТ СОҲАСИДА ҚЎЛГА КИРИТИЛГАН ЮТУҚЛАР

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёsatни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи хисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соглигини саклаши, энг зарур эҳтиёжларини қондирипни имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли нул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафака, пенсия, стипендия шаклидаги барча нул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатинидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда 2010 йилга қадар реал иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича қўйилган стратегик вазифага мувофиқ, 2008 йилда ҳам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафакалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди (1.2.1-расм).


Бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар иши ҳақининг ўсиши, марта



1.2.1-расм

Бунинг натижасида мамлакатимизда ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ҳисобот даврининг сўнгти ойига келиб 2007 йилдаги 270,6 минг сўмдан 2008 йилда 418,1 минг сўмга қадар ошиди. Пенсияларнинг ўртача миқдори эса ҳисобот даврининг сўнгти ойига 2007 йилдаги 62,3 минг сўмдан 2008 йилда 98,3 минг сўмга етди (1.2.2-расм).

2008 йилда ўртача номинал иш ҳақи ва пенсия миқдорининг ўсиши, минг сўм




1.2.2-расм

Агар 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ долларига тенг бўлса, 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошиши натижасида ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Ахолининг реал пул даромадлари 2007 йилда 27 фоизга ортган бўлса, 2008 йил давомида 23 фоизга кўпайди (1.2.3-расм).

Шунингдек, Президентимиз ўз асарларида жорий 2009 йилда ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида – ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам – 1,4 баробар ошириш, инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш кўзда тутилаётганлигини қайд этдилар.


Аҳоли реал пул даромадларининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)



1.2.3-расм

Табиийки, иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўслии миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир каторда ташки савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Ташки бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувига қарамасдан, ташки савдо айланмаси 2007 йилдаги 15719,6 млн. долл.дан 2008 йилда 19077,0 млн. долл. ҳажмига қадар, яъни 21,4 фоизга оғди (1.2.4-расм).

Ташки савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.



1.2.4-расм

Айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташки савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли

даражада ўеди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташки савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмогининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушкининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 9,2 фоизга тушди (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташки савдо айланмасида экспорт ва импорт динамикаси, млн. АҚШ долл.

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Экспорт	8991,5	11572,9	128,7
Импорт	6728,1	7504,1	111,5

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда экспорт ҳажми 28,7 фоизга, импорт ҳажми эса 11,5 фоизга ортган. Таъкидлаш керакки, ташки савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган ракобатдош тайёр маҳсулот улушкининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиши бўлиб хизмат килади.

Бизинг кейинги йилларда экспорт соҳасида кўлга киритган ютукларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгаришиш ва диверсификация қилиш, кисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вактида бошланган, чуқур ўйланган ва узок истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг истиражасидир.

И.Каримов (асардан).

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда

экспорт асосан хомашё етказиб берилдиктердиктеги нарх-наво ўйинларига хаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта туулумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиҳдий факторга айланмоқда.

1.3. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУХИТИНИНГ ЯРАТИЛГАНЛИГИ

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қурай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-хукукий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар заҳиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртacha иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сигими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқка тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бўён қурай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялни ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва таркиби, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	2007 йил		2008 йил		Ўснин суръати, %да
	ҳажми	сол. салм.%	ҳажми	сол. салм.%	
Асосий капиталга инвестициялар	5479,7	100,0	8483,7	100,0	128,3
Марказлашган инвестициялар	1099,7	20,1	1717,0	20,2	129,1
- бюджет маблағлари	492,9	9,0	761,8	9,0	127,9
- нобюджет фондлари маблағлари	334,8	6,1	533,6	6,3	131,8
- хорижий инвестициялар ва хукумат кафолати асосидаги кредитлар	272,0	5,0	421,6	5,0	128,2
Марказлашмаган инвестициялар	4380,0	79,9	6766,7	79,8	128,0
- корхоналар маблағлари	2610,0	47,6	3741,1	44,1	118,6

- аҳоли маблағлари	621,9	11,3	828,0	9,8	112,0
- тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	975,7	17,8	1772,1	20,9	150,2
- тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	172,4	3,1	425,5	5,0	246,8

Жадвалдан кўринадики, ўтган йил давомида асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва таркибида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берган. Юқорида таъкидланганидек, асосий капиталга инвестицияларнинг умумий ҳажми 128,3 фоизга ўсган. Шу жумладан, марказлашган инвестициялар ҳажми 129,1% га, марказлашмаган инвестициялар 128% га ўсган. Ўсиш суръатларини инвестицияларнинг таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқилса, энг юқори кўрсаткич тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағларига тўғри келиб, уларнинг ҳажми деярли 2,5 баравар ошиб, инвестициялар таркибидаги улуши ўтган йилдаги 3,1% дан 5% га қадар кўтарилиган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 1,5 баравардан кўпроқ ўсиб, бунинг натижасида уларнинг инвестициялар таркибидаги улуши 20,9% га қадар ошган.

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник кайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмиning изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари микдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлиги намоён этувчи яна бир жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2005 йилда давлат бюджетдан молиялаштирилган

Шунин мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

И.Каримов (асардан).


маблағларнинг 36,2% республика бюджети, 63,8% маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегиши равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда (1.3.1-расм). Бу эса инвестиция жараёнларини молиялантиришда маҳаллий бюджетларнинг

иширикои ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, асарда таъкидланишича, жаҳон инқирози давом эттаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар хажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестицияларdir.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилгаи, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялантириш ва ҳамкорликда молиялантириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялантирилган маблаглар динамикаси (млрд. сўм)



1.3.1-расм

2008 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича муҳим ишлаб чиқариш обьектларининг барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та обьект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, кишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё

саноатида 13 та, фармацевтика тармогида 8 та объект ишга туширилди (1.3.2-расм).

2008 йилда ишга туширилган ва ҳозирги кунда қурилаётган йирик ишлаб чиқариш иншоотлари қаторида Фаргона водийсини электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини берадиган, узулиги 165 километрлик Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси – «Ўзбекистон» юкори кучланишли электр узатиш линияси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сирдарё иссиқлик электр станциясини «Сўғдиёна» кучлантириш станцияси билан боғлайдиган, Гузор-Сурхон юкори кучланишли электр узатиш линиялари ва Тошкент шаҳри электр таъминоти обьектлари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, ўтган йили 2 минг 600 километрдан ортиқ ичимлик суви ҳамда 825 километрдан зиёд табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

2008 йилда инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида ишга туширилган обьектлар




1.3.2-расм

Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўкувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та кишлoқ

Врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бопиқа объектлар қурилди (1.3.3-расм).

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, инникеса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли тасисир кўрсатади.

2008 йилда қурилган ва фойдаланишига топширилган ижтимоий соҳа объектлари



1.3.3-расм

Юқоридаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганинигидан, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганинигидан дарак беради.

1.4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар орқали эришилган натижалари тўғрисида тўхталар экан, Президентимиз ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатта олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилганлигини, дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тутатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда

қишлоқда етакчи бўғинга – қиплоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узок даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шартшароитлари яратилди, меъёрий-хуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитига фермер хўжаликларининг ташкил топниши агарар ислоҳотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизmlар шакллантирилганлиги ва муваффакиятли фаолият кўрсагаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта микдорда моддий ресурс ва маблаглар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга – 800 миллиард сўм, галла етиштиришга 200 миллиард сўм маблаг аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилди. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича маҳсус ташкил этилган Фонд хисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблаг ажратилган бўлса, жорий йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблаг йўналтириш режалантирилмоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада опди (1.4.1-расм).


Расмдан кўринадики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги пахта (99,1%) ва галланинг (79,2%) асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Дехқон хўжаликлари эса устун равишда сут (96.8%), чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари (95%), картошка (83,4%) ва сабзавот (66,5%) маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Узум, мева ва резаворлар, полиз экинлари ҳам фермер, ҳам дехқон хўжаликлари томонидан деярли бир хил салмоқда етиштирилмоқда. Қиплоқ хўжалиги корхоналари болпқа шаклларининг маҳсулот етиштириши

Хозирги вактда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг самарали шакли эканини хаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.
--

И.Каримов (асардан).

Жамидаги улуши йилдан-йилга қисқарип бормоқда. 2008 йилда улар томонидан чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларининг 2,5%, узумнинг 2%, мева ва резаворларнинг 1,5%, полиз экинларининг 1,4%, галланинг 1,3%, пахтанинг 0,9% етиштирилган.

2008 йилда қиндоқ ҳўжалиги асосий маҳсулот турларининг турли ҳўжалик юритиши шакллари томонидан ишлаб чиқарилиши



1.4.1-расм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сон «Фермер ҳўжаликлари фаолиятини юритишида ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 1 октябрига қадар мамлакатимизда фаолият юритаётган 219976 та фермер ҳўжалиги ер участкалари мақбуллаштирилиб, уларнинг умумий сони 105033 тани ташкил қилди ва фермер ҳўжаликларига жами 5 млн 860,1 минг гектар ер майдони биринкириб берилди ёки бунда битта фермер ҳўжалигига ўрта ҳисобда илгариги 27,0 гектар ўрнига амалда

56,0 гектар ер майдони түгри келмоқда. Шундан пахтачилик ва галлачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 47,6 мингта бўлиб, уларга 4 млн. 390,1 минг гектар ёки битта фермер хўжалигига ўргача 92,0 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди.


Ўтган йилда амалга оширилган бу каби ўзгариш ва ислоҳотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариппинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли тъйсир кўрсатилишига ишончли замин яратди.

1.5. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС, КАСАНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛЯНИШИ

Асарда 2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам барқарор ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солик юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солик тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчила ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик



1.5.1-расм


Натижада 2008 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу мазкур кўрсаткичининг сўнгти олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлитини билдиради (1.5.1-расм).

Фаолият кўрсаётган кичик бизнес субъектларининг салмоги 1,7% га, шу жумладан саноатда – 1,3% га, курилишда – 3,4% га, транспортда –

22,2% га ва бошқа ишлаб чиқарып соҳаларида – 9% га ошиди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6% ни ташкил этди. Ўз ўринда айтиш керакки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан ишча паст.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди (1.5.2-расм). Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда



1.5.2-расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартираётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилинча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, кишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рагбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган

йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди (1.5.1-жадвал).

1.5.1-жадвал


Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0
Шундан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3
Мехмонхона хизматлари	133,5	122,5
Маишӣ ва коммунал хизматлари	109,3	108,4
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6

Сўнгти тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишини таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсади (1.5.3-расм).

Шу билан бирга, Президентимиз айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаганлар.

Хизмат кўрсатиши соҳасининг ялни ички маҳсулотдаги улуши, фойзда



1.5.3-расм.

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиши соҳаларининг аҳамияти йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Жумладан, бу борада қуидаги натижалар қўлга киритилди:

- 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди;
- касаначилик орқали корхоналар ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблагни тежашга эришди;
- чорвачилукни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20300 бош қорамол сотилди, 2009 йилда яна 24600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилмоқда;
- агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди.
- 2006 йилдан ҳозирга қадар кам таъминланган оиласалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди;
- 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1,1 млн. кишидан кўпроқни ташкил этди;

Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишининг қўшимча маибаига айланниб бораётганини хеч ким инкор этолмайди. Айни вактда касаначилик фуқароларни, биринчи наъбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлтарни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун мухим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

И.Каримов (асардан).

- қорамол бокувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегинили тартибда қайд этилди.

Умуман олганда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, улар пировардида аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

1.6. БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА СИФАТ ЖИҲАТИДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

2008 йилда республика Марказий банки томонидан амалга оширилган катъий пул-кредит сиёсати макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратиљди. Айни пайтда иқтисодиётда инфляцион кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкниң қайта молиялап ставкаси ўзгартирилмасдан йиллик ҳисобда 14 фоиз даражасида ушлаб турилди. Ушбу чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди ва шу йўл билан инфляциянинг белгиланган кўрсаткичлар доирасида бўлишига эршилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташки инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажralиб турди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан фуқароларнинг банклар депозитларидағи омонатлари, уларнинг миқдоридан катъи назар, давлат томонидан тўла кафолатлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича ҳалқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган ҳалқаро стандартлардан қаридер уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Хозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташки нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, леб айтиш учун асос беради.

Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб ракамларидағи маблағлардан иккиси баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя килиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

И.Каримов (асардан).

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштироқини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга наёзатлилик рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимиға нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири - «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Хусусан, «Мудис» агентлиги бир йўла 3 та йўналиш бўйича республика банк тизимиға «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсип потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

2008 йилда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (1.6.1-жадвал).

1.6.1-жадвал

Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк	Ўзсаноаткурилишбанк	ТИФ Миллий банк
Ипотека-банк	Пахтабанк	Капиталбанк
Галла-банк	Асакабанк	
Алоқабанк	Ҳамкорбанк	
Туронбанк	Ипак йўли банк	
Кредит стандарт банк		


Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунга мувофиқ, 2008 йил давомида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан 21 та тижорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

2008 йилда тијорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида тијорат банкларининг жами капитали 2007 йилга нисбатан 40,0 фоиз ортиб, 2 трлн. 104 млрд. сўмдан ошиб кетди (1.6.1-расм).


Банкларнинг жами капитали, млрд. сўм



1.6.1-расм

Банк активлари 2007 йилга нисбатан 30,1 фоиз ўсиб, 12 трлн. 65 млрд. сўмга етди (1.6.2-расм).

Банк активлари, млрд. сўм




1.6.2-расм

Мамлакатимизда инвесторларни банклар акциялариға жақб этиш жарағаны жадал бормоқда. Бугунги күнгө келиб уларнинг сони 220 мингдан ошиг кетди, аҳамиятли томони, уларнинг 71 фоизини жисмоний шахслар ташкил этмоқда.

Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-кувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда умумий кредит қўйилмалари миқдори 6 трлн. 372 млрд. сўмга етди (1.6.3-расм).

Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори, млрд. сўм




1.6.3-расм

Биргина 2008 йилда хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 1 трлн. 534 млрд. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 2007 йилга нисбатан 68,2 фоиз ошиб, 1 трлн. 251 млрд. сўмни ташкил этди (1.6.4-расм).

Хисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оиласаларни моддий ва маънавий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ёш оиласаларга имтиёзли шартлар асосида 135,7 млрд. сўм миқдорида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажрагилди.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм



1.6.4-расм

Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, аҳолининг банклардаги омонатларининг давлат томонидан кафолатлангани, энг муҳими, фуқароларнинг банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан ахолига 400 дан ортиқ кулагай омонатлар турларининг таклиф этилиши омонатлар миқдорининг 2007 йилга нисбатан 68,6 фоиз ошиб, ҳозирда 1 трлн. 724 млрд. сўмга етишига замин яратди (1.6.5-расм).

Ахоли омонатлари қолдиги, млрд. сўм



1.6.5-расм

Республикамиз банк тизимининг мустаҳкамланиши, оқилона олиб борилган пул-кредит сиёсати, инвестиция соҳасида амалга оширилган муҳим чора-тадбирлар пировардида ташки қарзимиз сезиларли даражада пасайишига имкон яратди. Президентгимиз 2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистоннинг жами ташки қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 13,3 фоизини ташкил этишини ва бу кўреаткич, ҳалқаро мезонлар бўйича, «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланишини таъкидладилар.

¹ Банк тизими: йил якунлари сарҳисоб килинди // <http://cbu.st.uz/uz/press>.

2-БОБ. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШ – МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РІВОЖЛАНТИРИШНИҢ ЭҢГ УСТУВОР ЙҰНАЛИШИ

2.1. 2009-2012 ЙИЛЛАРГА МҮЛЖАЛЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИҢ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилга мүлжалланган иқтисодий дастуримизнинг эңг устувор вазифаларини белгилаб олишда жағон иқтисодий инқиrozининг таъсири ва оқибатларини етарлича тұлғық ҳисобға олиш қанчалик мұхим экани ҳақида тұхталиб үтдилар. Дунёning нуфузли эксперглари томонидан билдирилаёттан фикрларга күра, бу инқиroz 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва әхтимол янада чуқурлапшиши кутилмоқда.

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда ақоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳолаган холда Президентимиз «**мамлакатимизда жағон иқтисодий инқиrozининг салбий оқибатларини бартараф этиш бүйіча 2009-2012 йилларга мүлжаллаб қабул қишлигін Инқиrozга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иктисодий рівожлантиришпенінг эңг устувор йұналиши бўлиб қолади**»¹, деб белгилаб бердилар.

Шунингдек, Президентимиз иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигига ўз ифодасини топған прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан

амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораёттан молиявий ва иқтисодий инқиroz шароитида ўзининг долзарбилиги ва ҳаёттегилгини яна бир бор күрсатаётганлигини таъкидлаб үтдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало,

Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қылған, машхур беш тамойилга асосланған ижтимоий йұналтирилған әркін бозор иқтисодиётіга үтиш модели йилдан-йилга ылгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқылаб, нақадар тұғри ва цухта эканини ишботламоқда, деб айтиш учун буғун барча асосларимиз бор.

И.Каримов (асардан).

¹ Мамлакатимизни модернизация қылыш ва янгилашни изчил давом этериш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий рівожлантириш жүнлары ва 2009 йилга мүлжалланған иқтисодий дастурнинг эңг мұхим устувор йұналишларига бағищалған Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сұзы, 2009 йил 14 февраль.

иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаптириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёsat бизни инқирозлар ва бошقا таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва худудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишини таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳу дий гурухлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ноҷор корхоналарни молиявий согломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилап жараёнига тижорат банкларининг маблагларини кенгрок жалб қилишини йўлга кўйинига қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлапшини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашти, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-куватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларни барқарор ишлапшини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таниархини 20 фойиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириши орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблаглар тижорат банклари устав жамгармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришига йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблагларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фойиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва яшги исп ўринларини
пратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистралি» лойиҳасини, яъни 4
каторли халқаро автомобиль йўли курилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган
кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-кувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб
чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5
баробарга ошириш ва ҳоказо.


Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар
дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга
oshiрилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз
иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиши учун
кулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади.

2.2. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛAR ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг
конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида
тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган
асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва
технологоик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий,
мослашувчан технологияларни кенг жорий этиши. Бу вазифа авваламбор
иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва
маҳаллийлантириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегислидир.
Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий
йўналишлар бўйича қўллаб-кувватлашни амалга ошириш мақсадга
мувофиқдир (2.2.1-расм).

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлашнинг асосий йўналишлари



2.2.1-расм.

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқариши модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган модернизациялари дастурлари

Модернизация дастурлари	Қабул қилинган санаси	Лойихалар сони		Лойихалар киймати (млн. долл.)		Хорижий инвестиция улуси
		жами	хорижий инвестиция иштирокида	жами	хорижий инвестиция	
Енгил саноатни модернизация қилиш дастури	13.11.2006й.	66	61	466,9	452,45	96,9%
Пахтани қайта ишлаш саноатини модернизация қилиш дастури	03.04.2007й.	41	-	125,4	-	-
Курилиш материаллари ишлаб чиқарип саноатини модернизация қилиш дастури	01.06.2007й.	36	7	343,06	160,12	46,7%
Ёг-мой ва озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш дастури	12.06.2007й.	63	10	32,14	2,03	6,3%
«Ўзметкомбинат» корхонасини модернизация қилиш дастури	10.07.2007й.	9	-	49,04	-	-
Кимё саноатини модернизация қилиш дастури	27.07.2007й.	30	10	209,67	108,88	51,9%
Навоий төғ-кон металургия комбинатини модернизация қилиш дастури	07.08.2007й.	24	1	892,1	33	37,0%
Олмалиқ төғ-кон металургия комбинатини модернизация қилиш дастури	09.08.2007й.	13	-	405,3	-	-
Фармацевтика саноатини модернизация қилиш дастури	19.11.2007й.	39	5	26,47	5,1	19,3%
2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш дастури	05.12.2007й.	26	9	255,06	13,57	5,3%
Кишлоқ хўжалик машинасозлигини модернизация қилиш дастури	07.04.2008й.	13	-	27,98	-	-
Жами		360	103	2833,12	775,15	38,2%

Бу ўринда мазкур тармок дастурларини амалга оширишни тезлантириш вазифаси күйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташки, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташки бозорларда рақобатдош бўлишини кўллаб-куватлаш бўйича конкрет чоратадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун кўшимча омиллар яратиш, хусусан:

– айланма маблагларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетта барча турдаги солик ва тўловлардан – кўшимча қиймат солиги бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгacha узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар микдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетта тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш (2.2.2-расм).

Экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-куватлаш чоралари

2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташкири фонidlарга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняяларни

хисобдан ўчириш

Кўшилган қиймат солиги суммасини қайтариш муддатини кисқартириш

30 кундан
20 кунгача

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солик имтиёзлари муддатини узайтириш

2012 йилгacha

Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганилиги учун жарима чоралари хисобланадиган муддатни узайтириш

30 кундан
60 кунгача


2.2.2 - расм

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рагбаглантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъкулланганини қайд этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (2.2.3-расм).

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



2.2.3 - расм.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарида амалий тажрибалар ўтказиб кўрилди. Жумладан, Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини 20% га камайтириш бўйича 2008 йил декабрь ойида ўтказилган амалий тажриба орқали таннархни оптималлаштиришнинг қўйидаги усувлари кўлтанилди:


- импорт ресурслари нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш (-24%);

- материаллар сарфи мөндерларини қайта күриб чиқиш (-0,06%);
- локализация даражасини кучайтириш орқали таннархни камайтириш (-1%);
- маҳсулотлар ишлаб чиқарип технологиясини ўзгартитириш (-0,05%);
- фойдаланилмаётган қувватларни консервация қилиш (-2%);
- ишчилар ва ходимлар сонини оптималлаштириш (-0,3).

Умумий ҳолда Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини оптималлаштириш орқали тракторлар таннархини 17% га, прицеплар таннархини 22% га пасайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди¹ (2.2.4-расм).

Шунингдек, ҳозирда таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Тошкент трактор заводининг маҳсулотлари таннархини пасайтириши бўйича ишлаб чиқилган таклифлар




2.2.4-расм

Шу билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган (2.2.5-расм).

¹ Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь- 1 февраль 2009 йил.

Энергия ресурслари ва коммунал хизматларга нархлар (тарифлар) динамикаси, олдинги йилга нисбатан, фоизда



2.2.5-расм

Масаланинг яна бир муҳим томони - мазкур соҳалардаги нархлар даражасини тартибга солиш билан бир қаторда, уларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлашни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Тўртингидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимига хусусий операторларни жорий қилиш бўйича амалий тажриба натижаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан максад фойдаланилган электр энергияси учун хисоб-китоб тизимини такомиллантириш, истеъмолчилар хисоб-китобини тўтри йўлга кўйинш ҳамда истеъмол даврида электр энергияси йўқотишларни камайтиришдан иборат эди.

Ушбу максадга эришиш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича мустакил (хусусий) операторни жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича маҳсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойиҳалари қатъий келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада қучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизниш мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга bogлиқdir.

И.Каримов (асардан).

- тегишли бизнес режанинг мавжуд бўлиши;
 - хўжалик юритиш фаолияти бўйича камидаги 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камидаги муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилишининг 3 ойлик миқдорига тенг молиявий маблагларга эга бўлиши;

- мавжуд дебиторлик қарздорликни ундиришни ўз зиммаси олиши;
- максимал баллга эга бўлиши ва шартнома тузиши;
- 30% миқдоридаги олдиндан тўлов ҳамда ҳар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний ҳисоб-китоб ҳисоботларини амалга ошириши;

Шундай танловларда ғолиб чиқсан хусусий операторлардан бирни ДХО «Shosh Energo» корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхонани электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самарани қўйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

ДХО «Shosh Energo» корхонасини электр энергиясини сотиш хизматига жалб қилиш орқали эришилган иқтисодий самара

Кўрсаткич	Тажрибадан олдинги ҳолат	Тажрибадан кейинги ҳолат	Натижка, фоизда
Мавжуд дебиторлик қарзлари, млн.сўм	3379,0	443,0	- 86
Жисмоний шахс бўлган абонентлар сони	9883	10122	+ 2
Юридик шахс бўлган абонентлар сони	326	426	+ 31
Электр энергиясидаги йўқотиш миқдори, фоиз	36,4	15,6	- 20,8 (мутлак) - 57 (нисбий)

Жадвалдан кўринадики, электр энергияси сотиш хизматини хусусий операторга ўтказилиши натижасида мавжуд дебиторлик қарзлари 86% га кисқарган, абонентлар сони жисмоний шахслар бўйича 2%, юридик шахслар бўйича 31% га ортган, электр энергиясидаги йўқотиш миқдори мутлак ҳолда 20,8% га, нисбий ҳолда эса 57% га пасайган.

Бундай илгор тажрибани оммалаштириши мақсадида ҳозирги кунда хусусий операторлар Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сиргали, С.Раҳимов туманларида ҳам ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, хусусий операторларни жалб қилиш бўйича Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ишлар бошланган. Бундан ташкири, хусусий


операторларни табиий газ ва сув таъминоти тизимиға жалб қилиш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда¹.

Бешингчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолишида ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутади (2.2.6-расм).

Жадвалдан кўринадики, 2004 йилда 201 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида 135 та корхона иштирок этган бўлса, 2008 йилга келиб лойиҳалар сони 310 тага, уларда иштирок этган корхоналар сони эса 166 тага етган.

Маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларда иштирок этган корхоналар сони



2.2.6 - расм

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш борасида ҳозирда 2009 йилга саноат кооперация негизида тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури, Ўзбекистон электротехника саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозланни дастури, «Ўзбекчармпойабзали» ассоциацияси корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастури, Ўзбекистон миллий автомагистрални қурилиши дастури ва бошқалар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, бу вазифани бажарипда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутади. Ушбу

¹ Кўрақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материаллари, 14 январь – 1 февраль 2009 йили.

дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўнайтириш мўлжалланмоқда (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастири

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2009 йил (мўлжал)	
		Сони	Ўсиш сурати, %
Амалга оширилган лойиҳалар сони	бирлик	1056	346,2
Корхоналар сони	бирлик	364	222,0
Ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда	млрд. сўм	5 736,7	185,3
солиштирма нархларда	млрд. сўм	4 861,6	189,0
Экспорт ҳажми	млн. долл.	1 101,6	133,0
Маҳаллийлаштирилган маҳсулотнинг ялпи саноат ишлаб чиқаришдаги улуши	%		18,4
Импорт ўрнини босиш самарадорлиги	млн. долл.	4 058,6	173,3

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғизимай бажарилиши пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

2.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА ИСТЕМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириши тадбирлари аҳамиятли ўрин тутади.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоён этади. Мазкур дастурнинг ривожланиши босқичлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий хужжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2006 йил 22 июнданги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириши жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулагилкларнинг роли бекиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом-ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтирилладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йигимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириши лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиги, ягона солиқ тўлови (солиқ солицнинг соддалаштирилган тизимини кўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиги тўлашдан озод қилинадилар.

Маҳаллийлаштириши жараёнларини кучайтириши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантириш мақсадида Маҳаллийлаштириши дастурига лойиҳаларни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашга кўйиладиган қуидаги ягона мезонлар ва талаблар мажмуи ишлаб чиқилган:

- Иқтисодиёт вазирлигининг хулосасига кўра мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий устуворликларига мувофиқлик;

- маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кувватлар ва хомаине ресурсларининг мавжудлиги;

- маҳаллийлаштириши даражаси босқичма-босқич ошириб борилган ҳолда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб 12 ой мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича маҳаллийлаштириши даражасининг камида 30 фойзга етиши;

- ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позицияси бошлантич хомашёга таққослагандан камида биринчи 4 белгилардан бири даражасига ўзгариши таъминланиши;

- маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотнинг сотиш нархи ана шундай импорт қилинадиган маҳсулот нархидан юқори бўлмагандан лойиҳанинг иқтисодий ўзини қоплаши (Ўзбекистонгача бўлган транспорт сарф-харажатлари, божхона ва солиқ тўловлари ҳисобга олинган ҳолда);


- Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларининг хулосаларига кўра маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда барқарор талабнинг мавжудлиги;

- маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотга нисбатан халқаро стандартлар бўйича ишлаб чиқариш бошланган пайтдан боллаб 18 ой мобайнида сифатни бошқариш тизими жорий этилиши.

Белгиланган кулагай шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормокда (2.3.1-расм). Расмдаги мъалумотлардан кўринадики, мазкур кўрсаткич 2006-2008 йиллар мобайнида автомобиллар билан хисобланганда 1,9 марта, автомобилларсиз 3,5 марта ўсган.

Шунингдек, мамлакатимизда озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарини кенгайтиришни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида 2008 йилда мамлакатимиз худудларида истеъмол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми сезилиарли даражада ўсили (2.3.1-жадвал).

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм



2.3.1-расм

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда республикамида истеъмол товарларни ишлаб чиқариш ҳажми 7436,5 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2007 йилдагига нисбатан 117,7% га кўпдир. Айнанча, бу кўрсаткич Тошкент шаҳри (123,6%), Самарқанд (124,56%), Андижон (122,2%) вилоятларида юқори бўлган.


2.3.1-жадвал

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида истеъмол товарларни ишлаб чиқариши ҳажми

Худудлар	млрд. сўм	2007 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Қорақалпогистон Республикаси	102,6	115,2
Андижон	2151,9	122,2
Бухоро	401,6	106,9
Жиззах	155,2	116
Қашқадарё	246,7	117,3
Навоий	161,9	115,2
Наманган	266,5	116,3
Самарқанд	687,9	124,5
Сурхондарё	142	112,6
Сирдарё	110,8	117,8
Тошкент	785,4	111,3
Фарғона	639,1	106
Хоразм	152,2	108,9
Тошкент шаҳри	1432,7	123,6
Республика бўйича	7436,5	117,7

Агар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда ҳудудларнинг улушкини баҳолайдиган бўлсак (2.3.2-расм), бу борада энг юкори кўрсаткич Андижон вилояти (29%), Тошкент шаҳри (19%) ва Тошкент вилоятига (11%) тўғри келмоқда.

Истеъмол товарлар ишлаб чиқаришда ҳудудларнинг улуси (2008 й)



2.3.2-расм.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарипни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариши корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун 2012 йилнинг 1 январигача кўйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналигириши шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фойзга қисқартириш;

– тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Президентимиз ўз асарларининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишланган қисмини якунлар эканлар, «Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рагбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»¹, деб таъкидлайдилар.

З-БОБ. «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маълумки, шу йилнинг 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йигилишда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маъruzalariда қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қўйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган хукуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкорози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

- қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-куватлаш;

- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;

- ер, тупрок унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш¹.

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги Йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ГП-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялантириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банда ўз ифодасини тонган (3.1.1-жадвал).

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги Йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлик қонунчилик ва норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонуллар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқарип инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини тартибиға солини ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рагбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чукурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-куватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Худудларнинг меъморий-loyiҳavий қурилиши бўйича бони планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, мингақаларнинг иқлими, демографик ҳолати

¹ Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганligининг 16 йиллигига бағишиланган йигилишда сўзлаган маъруzasи.

ва башқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий инниотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

3.1.1-жадвал

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлим-лар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўликроқ таъминлаш учун қонуччилик ва меъерий-хуқукий базани янада такомиллантириш ва мустаҳкамлаш
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа обьектларини қуришни лойиҳалантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил килиш тизимини тубдан такомиллаштириш
III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
IV	Маҳаллий қурилиши материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йигма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустрисал ва йигма технологияга қурилишини жорий қилиш
V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
VI	Қишлоқ хўжалигига иктиносиди ислоҳотларни босқичма-босқич чукурлаштириш, фермер хўжаликларини кўллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, ўрга табақа-мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва иншибилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
VII	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жихозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшлиарни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
IX	Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишини яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги погонага кўтариш, қинилок жойларда мактаб ва касб-хунар коллекларининг моддий-техника базасини мутахкамлаш

Бу вазифаларни бажариш учун яқинда маҳсус «Қишлоқ-қурилиш-войиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг тўлақонли фаолият бошлапини тезлантитириш, уни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг олдига аниқ ва равшан вазифалар кўйинш керакки, жорий йилнинг ўзидаётк биз янги архитектура

бош планлари ва намунавий лойиҳалар бўйича ишлап имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Табиийки, янги қурилишларни замонавий қурилиш материаллари ва конструкцияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ жойларда барпо этиладиган объекtlарни қуришда йигма, композицион ва кичик блокли конструксияларни кўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиши даркор.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимлклари «Ўзқурилишматериаллари» компанияси билан биргаликда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, пишиқ гишт, том ёнип, пардоzlап ва бошқа мақсадлар учун керак бўладиган материалларни ишлаб чиқариш бўйича минитехнологияларни жорий етиш, мавжуд норуда конларини қайта тиклан ҳамда реконструкция қилишга доир маҳсус дастурларни ишлаб чиқиши лозим.

Кишлоқ жойлардаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлимларга эга ихтисослашган банк ташкил этиши масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Туманларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, қишлоқларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объекtlарини қуриш бўйича ихтисослашган ҳусусий пурдатчи корхоналарни ташкил этиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамланига ёрдам кўrsatiш зарур.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайta ишлап бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиши чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда кўйилмоқда – яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайta ишланиш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият

Биз қишлоқда нафакат обод аҳоли маскаллари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимиға, ривожланган ижтимоий объекtlар тармогига – бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти ишиштлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўrsatiш, савдо шоҳобчалари бўладими – ани ўнданай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак.

И.Каримов (асардан).

юритиши учун ҳар томонлама мустақкам хомашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чикариш қувватлари ҳар бир вилюят, туман ва қишлоқда барып этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чикаришининг янги ҳажмлари ва ялни ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чикаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равишан тунгунид олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамина юкори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Энг муҳими, қайта ишланп корхоналарини ташкил этиш орқали биз аввалимбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминланп муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

Тўртингчидан, 2008-2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчили амалга оширилишига – яни, экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартағи ПҚ-817-сон «2008-2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги карорига мувофиқ ҳисобот йилида мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд сўмлик (123,8%) маблагъ мақсади ўзлантирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм) таъмирлаш-тиклап ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар ҳарид қилинди. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунилиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли экскаваторлар келтирилди, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш борасида 2009 йилда 3710 га ер майдонида томчилаш сугоришни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фарованиелиги йили» Давлат дастурида белгилаб берилган муҳим чора-тадбирлар ва уларни молиялап учун ажратилиши кўзда тутилган маблаглар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан мазкур ўкув қўлланма сўнгидаги келтирилган иловга орқали танишиш мумкин.

3.2. ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ ДАРАЖАСИННИ ЙОКСАЛТИРИШ ҲАМДА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚИЁФАСИННИ ЎЗГАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

2009 йилда алохидада эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиши, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-куvvatлаш ҳисобланади. Айни пайтда мазкур устувор йўналиш ҳамда «Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили» давлат дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган.

Ушбу дастурдаги барча мақсадли вазифа ва параметрларнинг натижада бажарилиши учун бутун масъулият худудий комиссиялар зиммасига юкланиб, конкрет дастурларда белгиланган вазифалар ҳар қайси худуд бўйича қандай ижро этилаётганига қараб, мутсадди шахсларнинг ушбу дастур орқали қўйилган вазифани қай даражада тушуниши ва бажарилишини таъминлаши, қисқача айтганда, уларнинг замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга канчалик жавоб берishi тўғрисида холоса чиқариши имкони пайдо бўлади.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичida энг аввало қишлоқда яшаштган аҳоли манбаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жихатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйгунаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлик.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиши қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва қўриб чиқиш лозим бўлади.

Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариши муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмууда олиб борилаётган ислоҳотларни чукурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиёсини, унинг онги ва фуқаролик масъулиягини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажаришга киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишидан иборатdir.

И.Каримов (асардан).

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга кўйиш, унда хўжалик юритилишин бозор муносабатларига асосланган шаклларини қарор тоғтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун хукукий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишини тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало Ушбу жараёнларни хукукий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тараккиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига кўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта кисқарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишида ер участкаларини ноқишилоқхўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши мухим ҳисобланади.


Шунингдек, қишлоқларимиз қиёфасини ўзgartiriшда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизимини ва қурилиши тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, қишлоқ яшаш жойларини бош схема ва архитектура лойиҳалари асосида қуриш, маҳсус лойиҳалаштириш ташкилотини, маҳсус қишлоқ қурилиш банки, маҳсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларини тайёрлаш ва амалга жорий этиши зарур.

Жумладан, қишлоқда аҳоли жойлари архитектураси ва қурилиши лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий обьектларини қуриш лойиҳаларини табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши мухим ҳисобланади. Бу борада намунали уй-жойлар лойиҳаларини эксперимент сифатида Қашқадарё вилоятининг Деҳконобод тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақолпогистон Республикасининг Кўнгирот туманида янги илғор қурилиш технологиялари асосида амалга оширилиши эътиборга молиқдир. Айни пайтда, мазкур тадбирларни оммага кенг ёйиш, уларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, бу борада ўзаро мусобақалашпув руҳини шакллантириш мақсадида «Энг яхши қишлоқ» номли танловининг ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кишлоқда турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг соглигини саклаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш билан боғлиқдир. Бу эса, биринчى навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни саклаш муассасаларини тиббиёт техникиси ва аппаратуралар билан таъминлашни тақозо этади.

Кишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилда кўплаб обьектларни ишга тушириш кўзда тутилмоқда (3.2.1-расм).

2009 йилда кишлоқ жойларида ишга тушириш кўзда тутилган таълим тизими ва болалар спорти обьектлари, дона



3.2.1-расм.

Бу эса кишлоқларимиздаги ёниларнинг кенг ва ёруг биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъинланган ўкув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратади.

Шунингдек, кишлоқ аҳолисининг соглигини саклаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтаришда қўйидаги ўйналишлардаги ишларни кучайтириш кўзда тутилмоқда:

- кишлоқ жойлarda жойлашган меҳрибонлик ва муруватт уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- кишлоқ аҳолисининг соглигини саклаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- ҳалқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва колледжлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- кишлоқ мактаблари ва колледжларидағи ахборот ресурс марказларини ҳалқаро интернет тармогига улаш ва ҳ.к.

3.3. ҚИШЛОҚДА ИЖТИМОЙ СОҲА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Республикамизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг дикқат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамияти чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўшиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6%ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тараққиётни фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу исосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилади. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ яшапи жойларини тўла интентаризацияда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириши мақсадида хусусий қурилиш ўюшмалари фаолиятини ташкил этишини йўлга куйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушиб жираਬорларни аҳоли кенг эътиборига етказилиши борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам ишланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик лирижаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муиммоловар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бористганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланши даражаси жуда наст.

Шунга кўра, ҳозирда қишлоқ худудларини сув билан барқарор таъминланни бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектини

реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мұлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам үз ичига олади. Шу қаторда 2009 йилда узуулити қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилған газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва ахолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйиш ва 1913,9 км маҳаллий йўлларни таъмирлаш кўзда тутилган.

Ахоли турмуш даражаси қўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, ахолига майший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та майший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ ахоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2011 йилларга мұлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рафбатлантириш коидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш үз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини кўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялари ва техник қайта қуроллантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилги энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узок жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мұлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

3.4. ҚИШЛОҚДАГИ МУЛҚДОР ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулқдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар харакатини қўллаб-қувватлаш – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

«Шу билан бирга, - деб таъкидлайдилар Президентимиз асарда, - ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилиган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўй жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-куввати кам бўлган фермер хўжаликлири ўзини зарур техника, айланма маблаг билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда»¹.

Фермер хўжаликларига ажратилаётган кичик ҳажмдаги ерларда самарали хўжалик юритиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни бу борада олиб борилган баъзи илмий тадқиқот натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Б.Холматовнинг таъкидлашича, «фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг аксарият қисми тежамкорликка тўсқинлик қилувчи сабаблардан бири сифатида ажратилган ер майдонлари ҳажмининг самарали хўжалик юритиши учун етарли даражада эмаслигини кўрсатганлар. Фаргона вилоятидаги битта фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртacha ер майдони 16,2 гектарни ташкил этмоқда. Натижада кичик ҳажмдаги ер майдонларига эга бўлган фермер хўжаликлари фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва тежамкорлик тамоийларига зид келмоқда. Жумладан:

- Йирик ҳажмдаги ер майдонларига мўлжалланган техника воситаларидан фойдаланишдаги муаммолар;
- доимий ишчилардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги;
- баъзи бир ресурс ва хизмат турларидан қонуний ва тўлиқ асосда фойдаланишдан манфаатдор бўлмаслик;

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барзараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 22-23-б.

- тұлақонлы фаолият юритилға қизиқишининг сүстлигі, тезрок фойда олишга интилишга мойылликнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

Сўровда иштирок этган баъзи бир фермер хўжалиги раҳбарларининг фикрича, кичик ҳажмдаги ерга эга бўлган хўжаликлар учун тижорат банкларидан кредит ёки асосий¹ воситаларни лизингга олиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда банк ёки лизинг компаниялари асосий воситани лизингга бериш учун хўжалик ер майдонининг камидаги 40-50 гектар бўлишини талаб этмоқдалар. Чунки бунда кам ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган хўжаликлар ўз фаолиятидан олинган соф даромад ҳисобига лизинг тўловларини тўлапца қийинчиликка дуч келадилар. Бу ҳолатни шартлі мисол ёрдамида кўриб чиқиш ҳам мумкин (3.4.1-расм).

Турли ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган хўжаликлар молиявий натижаларининг лизинг тўловини қоплашга лаёкатлилик даражаси¹



3.4.1-расм.

Расмдан кўринадиди, ишлаб чиқариш рентабеллигининг 25% даражасида ернинг турлича ҳажмида махсулот ишлаб чиқариш ҳажми, уни сотишдан тушум ва соф даромад ўртасидаги тафовут турлича бўлмоқда. Барча хўжаликларда соф даромад олишга эришишишга қарамай, фойда массаси, хўжалик ер майдони ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, жиддий фарқ қилмоқда.

Асосий воситалар лизинги учун йиллик тўлов ҳажмининг таҳминий 2,5 млн. сўмлик миқдорида факат 33 гектардан ортиқ ер майдонига эга хўжаликлар бундай тўловни қоплаш имконига эга. Агар бошқа ҳаражат ва тўловларни, кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

олинса, лизингдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган хўжаликлар камида 40-50 гектар ер майдонига эга бўлиши лозимлиги намоён бўлади¹.

Шу каби асослардан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатимиизда ер майдонларини тўлик инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириши бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта йўланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимиизнинг турли худудларидағи аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда нахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргacha кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошиди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргacha ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргacha кўпайди.

2008 йилда асосий эътибор барча тоифа хўжаликларида чорва мол бош сони ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилди. Натижада жами қорамоллар сони 8024,8 минг бошга етиб, шундан сигирлар сони 3327,0 минг бошни, кўй ва эчкилар 13559,4 минг бошни, парраандалар 29498,4 минг бошни ташкил этди. Тирик вазнда 1287,9 минг тонна (106,5%) гўшт, 5426,3 минг тонна (106,4%) сут, 2429,0 млн дона (109,7%) тухум, 23779,0 тонна (106,2%) жун ва 896,8 минг дона (114,9%) қоракўл тери ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш мақсадида 22,4 минг нафар фуқарога 40,0 млрд. сўм микдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мавжуд чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида чет эллардан 39,3 млрд. сўмга жами 6501 бош насли моллар келтирилди, бунда бир бош насли молнинг ўртача нархи 3,7 млн. сўмга (2007 йилда 3,6 млн. сўм) тўғри келди.

2008 йилда амалга оширилган ташкилий агротехник тадбирлар натижасида барча тоифдаги хўжалик субъектлари томонидан жами 9 млн. 791,1 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, шундан 5217,4 минг тонна сабзавот, 1398,7 минг тонна картошка, 981,2 минг тонна полиз, 1402,8 минг тонна мева ва 791,0 минг тонна узум ишлаб чиқарилди. Бироқ, бизда ҳали ушбу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш муаммолари тўлик ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимиизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етиштириши ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўргасида номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Жумладан, пахта хомашёсининг 34%, меваларнинг 17%, сабзавотларнинг 12%, полиз экинларининг 7%, узумнинг 25%,

¹ Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал килиш механизми. – И.Ф.И. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008, 17-18-б.

терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос. Шунга кўра, дастурда мева ва сабзовотларни қайта ишлаш корхоналари учун имтиёзларни узайтириши масалалари ҳам ўрин олган.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни табиатнинг турли шароитларига мослаштиришда иссиқхоналарнинг роли катта. 2009 йилда ҳар бир тумандада камидаги 5 тадан иссиқхона қуриши мўлжалланганини бу борадаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Соҳани ривожлантиришда моддий-техник таъминот масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани сабабли 2008 йилда қишлоқ хўжалигига хориждан 1149 дона BT-150 ва T-4A русумидаги занжирли ва 459 та MXM-140 русумли ҳайдов тракторлари ҳамда 386 та юқори унумли CLASS компаниясининг «Dominator-130» русумли дон ўриш комбайнлари олиб келинди. Лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 48,9 млрд. сўмлик 3459 дона турли хилдаги техникалар етказиб берилди. 2009 йилда ҳам ушбу анъанани давом эттириб, 7547 та техника лизинг, кредит асосида олиш орқали техника таъминотини кучайтириши кўзда тутилмоқда.

Кишлоқда саноат ишлаб чиқаришни ва қурилишни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли фаровонлигини оширишда кўп меҳнат талаб қиласидиган ишлаб чиқарилини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2009 йилда чорвачилик ва паррандачиликда, гўшт ва сутни қайта ишлашда, тикув, пойафзал ва мебель ишлаб чиқаришда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 65 минг янги иш жойи ташкил килиш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда ҳар бир вилоятда хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини чукӯр қайта ишлаш корхоналарини ташкил килиш янги иш ўринлари сонини янада оширади.

2008 йилда жами 1523 та, шундан 168 таси касаначилик асосида янгидан ишчи ўринлари яратилиб, улар томонидан 59 млн. 595,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, қолган 1355 та янги иш ўринлари ташкил этилган 49 та Давлат унитар корхоналари ҳисобига амалга оширилди. 2009 йилда қишлоқ жойларида касаначиликни янада ривожлантириш ҳисобига 70 минг янги иш жойи, кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига 110 минг иш жойи ташкил килиш кўзда тутилмоқда.

Тошкент шаҳрида 2008 йилнинг 13-16 октябрь кунлари IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Кўргазмада дунёнинг 34 давлатидаги 300 дан ортиқ компаниялардан ташриф буюрган 450 нафар вакил бевосита тадбирнинг иштирокчисига айлангани ҳолда улар эътиборига пахта толасининг мингдан ортиқ намуналари намойиш этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мини технологиялар ярмаркасини ўтказиб, унда миллий ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар

томонидан яратылган техникаларни намойиш этилиши фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятларни яратади.

2008 йил ҳосилини етиштириш учун тижорат банкстары орқали қишлоқ хұжалигига жами 982,9 млрд. сүм, шундан пахта ҳосили учун 787,1 млрд. сүм ва бошқын дон ҳосили учун 195,8 млрд. сүмлик имтиёзли кредитлар иштегендеги. 2009 йил бошқын дон ҳосили етиштириши харажатларини молиялаштириш учун тижорат банкстары томонидан 201,3 млрд. сүм мөндөрида имтиёзли кредитлар ажратилиши мүлжалланмоқда.

Қишлоқ хұжалик маңсулотларини етиштириш билан бөглиқ барча тадбирлар шартнома асосида ташкил этилмоқда, мавсум якуни бүйича жами 6 млн. 250 минг тоннаға тараба ишлаб чықарылған, шунинг 2 млн. 533,9 минг тоннаси давлатта сотилди.

Оқоридаги фикр-мулоҳазалардан қўринадики, «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига киритилген чора-тадбирлар ўз мазмунни ва аҳамиятига кўра мамлакатимиз иқтисодий таракқиётида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, ушбу дастурни ҳар томонлама изчил ва тўлиқ амалга оширилиши 2009 йилда ва кейинги даврларда хусусан қишлоқларимизнинг, умумий ҳолда эса мамлакатимизнинг таракқиёти ва равнақига сезиларли ҳисса қўшади.

4-БОБ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ВА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА


4.1. МАМЛАКАТИМИЗДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ

Президентимиз ўз асарларида узоқ муддатга, яни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг қўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгти йилларда жиёдий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни такозо этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки хисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркиби, млрд. долл.



4.1.1-расм.

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлап бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни таникил қиласди (4.1.1-расм).

Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилги-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлап, металургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошقا соҳаларга тегиплидир.

Лойиҳалаптириш ва қурилиш ишлари бошлананаётган иншоотларни кўйидаги маблаглар хисобидан молиялаштириши кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари – умумий хисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 миллиард доллар (4.1.2-расм).

Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳаларининг молиялаштириш манбалари, млрд. долл.



4.1.2-расм.

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлап кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги күндаги асосий вазифамиз – ҳар бир лойиҳани қиска мұддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликта батағсил күриб чиқып, улар бўйича келишувларни охирига етказиши ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик мұхим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир мұхим устувор йўналиши – **бошланган таркибий ўзгартишларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланади.**

Президентимиз иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислоҳот ва янгиланишлар йўналишини 2000 йилдаёқ белгилаб олинганилигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқизози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб кўяётганилигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарурлигини қайд этдишар. Шунингдек, бу борада мисол келтириб, Тошкент, Навоий ва Толлимаржондаги учта иссиқлик электр станциясида мавжуд бўлган тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий буг-газ қурилмаларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун катта инвестиция керак бўлиши, лекин иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини жаҳон стандартлари даражасида қисқартиришга эришадиган бўлсан, бундан келадиган самара сарф қилинган харажатларни ҳар жихатдан тўла қоплашини, шунинг учун ҳам ушбу лойиҳалар ижросини жадаллаштириш устида қаттиқ ишлаш зарурлигини таъкидладилар.

Маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаб-теган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ошиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоги билан 5-7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор.

Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва мухандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги ёнг мұхим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак.

И.Каримов (асардан).

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий начор корхоналарни молиявий согломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблагларини кенгроқ жалб қилишини йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70% ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни тақлиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёnlарини сезиларли даражада тезлаштирди (4.1.1-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, банкрот-корхоналарни тугатишининг янги механизmlари жорий этилиши билан уларнинг сони 2007 йилдаги 204 тадан 2008 йил охирига 67 тага қадар қисқарган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 сонли «Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойини билан иқтисодий начор корхоналарининг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган. Жумладан, ушбу Фармойинга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкиз этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- кўшимча қиймат солигидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиги, ягона солик тўлови, мулк солиги ва ер солигларини тўлашдан озод қилинди;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиги ва ягона солик тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

4.1.1-жадвал

2008 йилда мулки мавжуд бўлган банкрот-корхоналарни тутатиша янги йўналишларнинг берган самараси

Худудлар	Жами тутатиш жараёнида бўлган корхоналар сони	Тутатилган, келишув битими тузилган ёки тўлов қобилияти тикланган корхоналар сони	Сотилган ёки банклар балансига берилиган корхоналар сони	Тикорат банкларига сотин учун аукцион савдоларига қўйилган корхоналар сони	Йил якунига тутатишига колгандлар сони
Қорақалпогистон Республикаси	42	36	0	2	4
Андижон	31	16	5	2	8
Бухоро	10	4	4	0	2
Жиззах	28	20	0	0	8
Қашқадарё	36	22	7	1	6
Навоий	9	3	3	1	2
Наманган	28	14	8	1	5
Самарқанд	12	4	3	1	4
Сурхондарё	29	19	5	0	5
Сирдарё	3	3	0	0	0
Тошкент	11	2	5	0	4
Фарғона	11	2	2	3	4
Хоразм	63	34	21	0	8
Тошкент ш.	25	10	7	1	7
2008 йилда жами	338	189	70	12	67
2007 йилда жами	308	104	-	-	204

Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятни янгилаған корхоналарнинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди (4.1.2-жадвал).

4.1.2-жадвал

Собиқ банкрот корхоналарнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил
Янги ташкил этилган компания (корхона)лар сони, бирлик*	67	96
Янги маҳсулот турлари, дона	78	103
Жалб қилинаётган инвестициялар микдори, млрд. сўм**	85	350,7
Яратилган иш ўринлари, киши**	6978	9800
Жами тўлаб берилган кредиторлик карзлари микдори, млрд. сўм **	69,7	247,3
Шу жумладан, бюджетга, млрд. сўм**	28	31
Бюджетдан ташкари, млрд. сўм**	2	2,4

Изоҳ: * - танлаб олинган; ** - ҳисобот бўйича.

Шунингдек, юқорида қайд этилган мөъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банклариға ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатип баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайта мазқур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юклangan. Жумладан:

1) тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқариши қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлик реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилипни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

2) ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқариларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

3) банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Республика комиссиясида ҳисобот бериллари йўлга кўйилган.

Умуман олганда, 2008 йилда мамлакатимиз ҳудудларида иқтисодий начор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларининг бажарилиши ҳолатини куйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (4.1.3-жадвал).

4.1.3-жадвал

2008 йилда иқтисодий начор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларининг бажарилиши

Худудлар	Соғлом-лаштириш дастуридаги корхоналар сони	Реконструкция ишлари кетаётган корхоналар	Янги корхоналар	Ижобий натижага эришган корхоналар	Ишлаб чиқарин хажмини 1,2 баробардан оширган корхоналар
Қоракалпогистон Республикаси	37	4	2	27	24
Андижон	37	8	1	24	22
Бухоро	49	6	3	35	24
Жиззах	27	7	-	17	17
Қашқадарё	31	1	4	23	23
Навоий	27	3	-	21	19

Наманган	36	4	2	26	16
Самарқанд	51	11	-	34	29
Сирдарё	16	4	-	11	10
Сурхондарё	37	2	4	27	16
Тошкент	37	3	1	29	27
Фарғона	52	9	1	36	20
Хоразм	61	1	3	50	24
Тошкент ш.	63	12	1	44	43
Жами	561	75	22	404	314

4.1.3-жадвалнинг давоми

Худудлар	шундан:					
	Ишчилар сони		Ишлаб чиқариш хажми (млрд.сўм)		Киритилган инвестиация	
	01.01.08 й. холатига	01.01.09 й. холатига	01.01.08 й. холатига	01.01.09 й. холатига	млрд. сўм	млн. АҚШ долл.
Қорақалпогистон Республикаси	1676	2087	11,8	16,6	1,7	1,1
Андижон	2407	5678	6,8	33,8	3,5	30,6
Бухоро	1521	2012	7,7	14,2	4,6	5,2
Жиззах	482	804	1,8	4,6	4,9	15,0
Қашқадарё	1326	1473	8,5	7,4	2,4	-
Навоий	2394	2420	33,8	32,6	3,4	6,3
Наманган	1190	1365	4,1	6,6	0,9	1,3
Самарқанд	4159	4412	21,0	30,1	22,6	1,8
Сирдарё	598	943	8,6	32,2	1,0	2,0
Сурхондарё	3237	3365	9,8	12,4	1,5	2,1
Тошкент	11753	12371	105,7	141,9	12,4	27,7
Фарғона	3906	4250	14,1	26,5	3,7	12,3
Хоразм	3405	3946	20,3	25,3	7,1	0,7
Тошкент ш.	8890	10815	106,5	149,4	7,2	8,7
Жами	46944	55941	360,4	533,5	76,9	114,7

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

4.2. КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛИШИ

Президентимиз ўз асарларида «2009 йилда хизмат қўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли баандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал

ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади¹ деб белгилаб бердилар.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-кувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра мухим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд ахоли даромадининг 70 фоиздан ортигини таникли этмоқда.


Шу сабабли Инқирозга карши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рагбатлантиришига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солик ва кредит имтиёzlари билан бир каторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес мухитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чукурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-кувватлаш мақсадида Имтиёzли кредит жамгармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда (4.2.1-расм).

Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчалиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иккисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

И.Каримов (асардан).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори, млрд. сўм



4.2.1-расм.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалалланган иккисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендуларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилинга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга соликдан озод этилди.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тогли худудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тогли худудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йигими белгиланган ставканинг 20 фоизи микдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи микдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминланаш борасида ижобий ўзгарилларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлиш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5%дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартағи 36-сонли «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий тарабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллантириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишиلى ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссион харажатлари ўртacha 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида куйидаги тўловлар микдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш тоширигини (АРТ) ишлаб чиқишига көтадиган тұловлар – 2 мартагача;
- экологик экспертизадан ўтказиш тұловлари – 20 фойздан 90 фойзгача;
- турар жойларни нотуар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- лойиҳалаш хужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб раками очиш ва ёнип учун олинадиган тұловлар умуман бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибға солувчи 200 дан ортиқ қонун хужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бұнинг нитижасыда 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-хукукий ва қонун ости хужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камидан яна 30 фойзга камайтириш кўзда тутилган.

4.3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Сўнгти йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш варагбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юкори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ГПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар ҳақида»ги ГПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикамизда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар ҳақидаги қарорда кўйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялни ички маҳсулотдаги улушкини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истиқомат килаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб борилип;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;
- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган қадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илгор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, сугурта, сайёхлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та майший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Республикада 2008 йил якунни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Майший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўси.

Аҳолига кўрсатилаётган майший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Майший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуси 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни куриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айни пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлани лозим.

Ҳудудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиласидилар. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпогистон

Республикасида – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Кишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошقا хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида бекиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум ўмаслиги тўсқинлик килмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншиотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 Йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга тоширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми кисқарип бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган карорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шаҳобчаларнинг асосий кисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Тащкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил ўтилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиши ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини опиришнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятта тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

5-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БАНК ЯНИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

5.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилдаги яна бир энг муҳим устувор вазифа – **бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан** иборат эканлигини белгилаб бердилар.

Мазкур устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий ёғтириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтишининг муҳим шарти ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижгиомий соҳа объектларини барни этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиласди.

Тўртингчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиласдиган кенг қўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўриниларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини опириш имконини беради.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» маҳсус дастур қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

2008 йилда республикамида ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий түрлари бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида ёътибор қаратилиши натижасида унинг юқори ҳажмларига эришилди (5.1.1-жадвал). Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўлларни ривожлантиришга алоҳида ёътибор қаратмоқдамиз. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишида бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириши дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда.

Жумладан, ўтган йил давомида 1108,0 млрд. сўмлик темир йўл транспорти хизматлари, 397,2 млрд. сўмлик автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш ишлари, 1375,0 млрд. сўмлик алоқа хизматлари, 1786,1 млрд. сўмлик электр энергияси таъминоти хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарини фаолиятининг ривожи ва узлуксизлиги таъминланди.

5.1.1-жадвал

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми, млрд. сўм

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	2008 йил	2009 йилга мўлжал	Ўсиши суръати, %
Темир йўл транспорти	1108,0	1390,0	125,5
Автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш	397,2	531,5	133,8
шу жумладан:			
халқаро аҳамиятдаги	175,9	251,9	143,2
давлат аҳамиятдаги	95,0	143,6	151,2
маҳаллий аҳамиятдаги	23,9	25,0	104,4
Алоқа	1375,0	1596,4	116,1
шу жумладан:			
симли алоқа	264,0	304,9	115,5
уяли алоқа	952,0	1104,7	116,0
Электр энергияси таъминоти	1786,1	1820,1	101,9

Иктисадиёт реал секторининг жадал ўсиши ишлаб чиқариш инфратузилмаеи хизматларига бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсиз равища ўсишига олиб келмоқда. Шунга кўра, жадвалдан кўринадики, 2009 йилда ушбу тармоқлар хизмат кўрсатиш ҳажмини аҳамиятли даражада, жумладан, автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялаш ҳажмини 133,8% га, темир йўл транспорти хизматлари ҳажмини 125,5% га, алоқа хизматлари ҳажмини 116,1%га ошириш кўзда тутилмоқда.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизмат кўрсатиш ҳажмини бундай суръатларда ўстиришга мавжуд базалар асосида эришиб бўлмайди. Шу сабабли 2008 йилда ишлаб чиқарини

инфратузилмаси базаларини янгилаш борасида аҳамиятли ишлар амалга опирилди (5.1.2-жадвал).

5.1.2-жадвал


Ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини янгилаш бўйича ишлар ҳажми

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йилга мўжжал	Ўчиш суръати, %
Темир йўлларни модернизациялаш ва реконструкциялаш	км	220	280	127,3
Темир йўл участкаларини электрлаштириш	км	28	86	307,1
Темир йўл локомотивларини янгилаш	бирлик	18	20	111,1
Юк вагонлари паркини янгилаш	бирлик	1543	1723	111,7
Йўловчи ташиб вагонлари паркини янгилаш	бирлик	8	8	100,0
Темир йўл кўпприкларини куриш	бирлик	4	3	75,0
Темир йўл вокзалларини куриш ва модернизациялаш	бирлик	2	2	100,0
Темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўлларини куриш	бирлик	4	5	125,0
Автомобиль йўллари куриш ва реконструкциялари шу жумладан:	км	1728	1634	94,6
халқаро аҳамиятдаги	км	472	518	109,7
давлат аҳамиятдаги	км	764	619	81,0
маҳаллий аҳамиятдаги	км	492	497	101,0
Кўпприклар куриш	бирлик	28	34	121,4
	п/м	2211	2962	134,0
Толали-оптик линияларни ётқизиш	км	535	70	13,1
Уяли алоқа узатувчи станцияларни ўрнатиш	дана	1697	500	29,5
35 Kv дан катта юкори вольтли линияларни куриш	км	232,3	427,9	184,2
6-10 Kv юкори вольтли линияларни куриш	км	250	149,7	59,9

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда темир йўл участкаларини электрлаштиришни 3 баравардан кўпроқ, темир йўлларни модернизациялаш ва реконструкциялашни 127,3%, темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўллари куришни 125%, кўпприклар куришни 121,4%, юкори вольтли линияларни куришни 184,2% га ўстириш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибида автомобиль йўллари тармоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур тармоқнинг умумий узунлиги 183,6 минг километрни ташкил этиб, шундан 23,2% умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, 36,6% хўжаликлараро қинчлок йўлларини, 33,6% қинчлок ва шахар кўчаларини, 3% корхоналарга қарашли йўлларни, 3,6% турли идораларга қарашли йўлларни ташкил этади (5.1.1-расм).


Республика автомобиль йўллари тармоги таркиби, км



5.1.1-расм.

2008 йилда умумий фойдаланишдаги автомобильда қуриш ва таъмирлаш бўйича аҳамиятли ишлар амалга оширилди (5.1.2-расм). Жумладан, жами 288,6 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133% кўп) ишлар бажарилди. Инвестиция дастури бўйича 111,4 млрд. сўм (128%), мукаммал ва ўрта таъмирлаш бўйича 113,5 млрд. сўм (124%), жорий таъмирлаш бўйича 53,9 млрд. сўм (131%), йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш бўйича 9,8 млрд. сўм (4 баравар ортиқ) ҳажмда ишлар амалга оширилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари



5.1.2-расм.

Шунингдек, 2008 йилда хўжаликларо қилинг юл автомобиль йўллариин таъмирланг бўйича 12671 млн. сўмлик, шу жумладан, капитал таъмирлаш бўйича 1371 млн. сўмлик, ўрта таъмирланг бўйича 4617 млн. сўмлик, жорий таъмирланг бўйича 6683 млн. сўмлик иш бажарилди. Буният натижасида 4702 минг кв.м ҳажмдаги йўл тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизмати курсатиш учун қабул қилинган кўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишида бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилини кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов – Бухоро – Самарқанд – Тошкент – Андижон йўналиниши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро – Олот ва Самарқанд – Гузор йўлларининг стратегик участкаларини куриш мўлжалланмоқда (5.1.3-жадвал).

5.1.3-жадвал

Ўзбек миллий автомагистрални тармоғи таркибига кирувчи автомобиль йўллари

Ўзбек миллий автомагистрални йўналишлари ва унинг таркибига кирувчи автомобиль йўллари номи	Умумий узунлиги, км	4 қаторли кисмлар узунлиги, км	2 қаторли кисмлар узунлиги, км
Бейнеу-Кўнирот-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент-Андижон	2047	908	1139
Бейнеу-Кўнирот	328	-	328
Кўнирот-Нукус	111	16	95
Нукус-Бухоро	540	3	537
Бухоро ш.ни айланиб ўтиш	5	-	5
Бухоро-Навоий	107	107	-
Навоий-Самарқанд	169	169	-
Самарқанд-Тошкент	308	308	-
Тошкент-Андижон	387	305	82
Гулистон-Оҳангарон	92	-	92
Бухоро-Олот	98	83	15
Бухоро-Қарши-Гузор-Термиз	436	241	195
Бухоро-Қарши	177	177	-
Қарши-Гузор	48	48	-
Гузор-Термиз	211	16	195
Самарқанд-Гузор	174	22	152
Жами:	2755	1254	1501

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ва Республика йўл жамгармаси маблаглари ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилин ва капитал таъмирланг кўламиши кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Темир йўл гармоқларини куришни давом ўтириш ҳам биз учун катта аҳамият касб этади. Жорий йилда янги Тошназар – Бойсун – Қумкўргон

темир йўл линиясида ободонлантириши ишларини ниҳоясига етказиш зарур.

Дечконобод калий ўгитлари заводининг қайта ишлани комплексига олиб борадиган янги темир йўл тармогини барни этиш, Жиззах – Янгиер Йўналини бўйича электрлаштирилган икки йўлли линия ва Янгиер – Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли линия қурилиши юзасидан кўзда тутилган кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иктисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барни этилган аэродромни ҳалқаро оператор – Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига берини тўғрисидаги қарорнинг қабул килинини туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади.

Ўзбек миллӣ автомагистралинин харитадаги қўринини



5.1.3-расм.


Ҳалқаро интермодал логистика марказининг ташкил этишини ундан нафакат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиши имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва кўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

5.2. ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ – АХОЛИ ФАРОВОЛГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИ

Аҳоли турмуш даражасини оширишни ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли бекиёсdir. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикамизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффакиятларга эришилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 2007 йилда 6964,5 минг кв.м ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 7239,8 минг кв.м га етди (5.2.1-расм).

Фойдаланишга топширилган уй-жой умумий майдони, млн. кв.м



5.2.1-расм.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида уй-жойларни қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг жадаллапшуви натижасида йиллар давомида умумий уй-жой фонди ҳажми ошиб бормоқда. 2002 йилда уй-жой фонди 360,9 млн. кв.м дан иборат бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 386,9 млн. кв.м га, ўртacha ҳар бир яшовчига ҳисоблагандა эса 14,3 кв.м дан 14,6 кв.м га қадар ошган.


Айни пайтда, шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг юксалиши билан уй-жой фонди билан таъминланганликнинг ўзи аҳоли фаровонлиги даражаси тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бу ўринда уй-жой фондини ободонлантириш даражаси, яъни, уй-жой фондининг умумий ҳажмида водопровод, канализация, марказий иситип воситалари, ванна, табиий газ, иссиқ сув

таъминоти кабилар билан жиҳозланган уй-жой майдони улуши аҳамиятли роль ўйнайди.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган оҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар-жой фонди обьектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни қалити билан топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Шу мақсадда турар-жой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатни назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўпқаватли уйлардаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган обьектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўtkазиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасаррufiga беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажарин учун кўпимча равишда ўн минглаб ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари, фоиз




5.2.2-расм.

Ижтимоий инфратузилма обьектлари тўғрисида сўз боргандা аҳолининг саломатлигини бевосита тикловчи ва таъминловчи муассасалар – касалхоналар, санатория ва дам олиш муассасалари, пансионатлар, санатория-профилакториялар, дам олиш уйлари ва бошқаларни ривожлантириш мухимлигини эътироф этиш лозим.

Ижтимоий соҳа обьектлари қаторида таълим муассасаларининг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг мазмунини сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари 19% дан 21,2% гача, шу жумладан шаҳар жойларида 36,2% дан 39,5% га, қишлоқ жойларида эса 11,3% дан 13,2% гача ошиди (5.2.2-расм).

2009 йилда 767 та (шундан 733 таси ёки 96,5% қишлоқ жойларида) умумтаълим мактаблари, 196 та қасб-хунар коллежлари, 18 академик лицей фойдаланишига топширилиши кўзда тутилмоқда (5.2.3-расм).

2009 йилда янги қурилиш ва капитал реконструкция бўйича фойдаланишига топширилиши кўзда тутилган мактаблар, қасб-хунар коллежлари ва лицейлар, дона



5.2.3-расм.

Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма обьектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлантиришини тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилмоқда.

5.3. БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ

Президентимиз ўз асарларида банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни

рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолинини кўрсатиб ўтдилар.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан 2008 йилда ҳам банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган куйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратишли:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва мижозларга янги қулийликлар яратиш;

- ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

- банкларни якка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва ҳалқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратиленган чора-тадбирлар доирасида 17 та тижорат банки акциялари фонд бозори листингига киритилди ва 2008 йил давомида уларнинг 20,6 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида номинал қийматидан юқори нархларда сотилди. Натижада, ўтган йил давомида акциядорлар сони 23663 тага орти ва уларнинг 98 фоиздан зиёдини жисмоний шахслар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятта эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойихаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат

Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иктисадиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иктисодий барқарорлиги кўп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси микдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим.

И.Каримов (асардан).

бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди. Жумладан, давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, 2009 йилда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 150 млрд. сўмга, «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга, «Галлабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 50 млрд. сўмга, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 300 млрд. сўмга етказиши борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (5.3.1-жадвал).

5.3.1-жадвал

Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси, млрд. сўм

Банк номи	Эълон қилинган устав капитали	Жами	Кўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши шу жумладан				
			2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
Асака банки	300	147	100	48	-	-	-
Ўзсаноатқурилиш банки	100	65	63	2	-	-	-
Микрокредит банк	150	72	54	18	-	-	-
Пахта банк	100	50	22	28	-	-	-
Галла банк	50	36	13	23	-	-	-
Жами		491	272	149	30	20	20

2008 йилда ушбу жараёнларни амалга ошириш орқали:


- давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капитали 100 млрд. сўмга;
- «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали 65,4 млрд. сўм миқдоридаги кўшимча акцияларни эмиссия қилиш орқали 100 млрд. сўмга;
- «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капитали кўшимча 66,2 млрд. сўмлик акциялар чиқариш орқали 141,5 млрд. сўмга етказилди.

Ўтган йилда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 30 тага етди. Шундан 3 таси давлат-тижорат банки, 11 таси акциядорлик-тижорат банки, 11 таси хусусий банк ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади (5.3.1-расм).

Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари филиаллари ва бўлинмалари сони 800 тани ташкил этди.

Аҳолига банк хизматларидан фойдаланишида кулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган мини-банклар сони 2008 йилда 107 тага кўпайиб 2161 тага етди ва улар деярли барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқдалар.


Фаолият кўрсатаётган тижора



5.3.1-расм

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли Қарори талабларига мувофиқ, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бопша тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш максадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган маҳсус кассалар сони 1411 тадан ошиди (5.3.2-расм).

2008 йилда банк тизимининг янада кенгайтирилиши



5.3.2-расм.


Жумладан, бозорлар худудида банк инфратузилмаларини кенгайтириш максадида ўтган йил давомида тадбиркорлардан бозор хизматлари ва бопша тўловларни қабул қилиш учун 582 та маҳсус кассалар ташкил этилди.

Республикамизда банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўргасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.

Банкларнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истикболли ва юкори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватланида банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солик имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаолламди.

Бундан ташқари, банкларнинг аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ҳамда уй-жой куриш, сотиб олиш учун истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиш борасидаги ишлари ҳам давом эттирилди (5.3.3-расм). Умуман олганда, банкларнинг умумий активлари 2008 йилда 30,1 фоизга ошиди.

2008 йилда банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, млрд. сўм



5.3.3-расм.

Сўнгти йилларда бўш пул маблагларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда накд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш воситаларидан бири бўлган пластик карточкалардан фойдаланиши тизими жадал ривожлантирилмоқда.

Хўкумат қарорларига асосан, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширинида фойдаланиладиган пластик карточкалар тизимиға оид

жихозларни импорт қилишда божхона имтиёзларининг берилганинги банкларнинг бу борадаги фаолиятларини янада рагбатлантириди.

Муомалага чиқарилган пластик карточкалар ва хизмат кўрсатувчи терминаллар сони



5.3.4-расм.

2008 йил давомида тижорат банклари томонидан кўшимча равишда 787,8 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида кўшимча 9 минг 752 дона терминаллар ўрнатилиди.


Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 4,5 млн. тага, савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида ўрнатилган терминаллар сони эса 27504 тага етказилди (5.3.4-расм).

Нобанк кредит ташкилотларининг (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар) қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар нобанк кредит ташкилотлари тармоғи кенгайиб, банклар ва нобанк кредит ташкилотлари ўргасидаги рақобат мухити кучайишига замин яратмоқда.

Хусусан, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2009 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони 138 тага, шу жумладан, кредит уюшмалари сони 78 тага, микрокредит ташкилотлари 26 тага ҳамда ломбардлар 34 тага етди (5.3.5-расм).

Нобанк кредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Хусусан, кредит уюшмаларининг жами активлари 2008 йилда 63,8 млрд. сўмга ошиб, 2009 йил 1 январь ҳолатига 112 млрд. сўмни, уларнинг кредит портфели эса 59,5 млрд. сўмга ошиб, 102,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Нобанк кредит ташкилотларининг сони, дона



5.3.5-расм.

Шунингдек, 2008 йилда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг жами активлари ҳамда кредит портфели ҳажмининг жуда юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

5.4. БАНКЛАРДА ОМОНАТЛАРНИНГ КЎПАЙИШИГА, УЛАРНИНГ БАНК ТИЗИМИГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Асарда Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган масала – буунги кунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимиға жалб этилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасида кўрилиши керак бўлган кўшимча чора-тадбирлардир. Бу ўринда гап аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблагларини банк секторига жалб қилинда таъсирчан ва узоқ муддатли

Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юқлангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим. Биринчи навбатда, бу борада инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молияланин ташкил этиши бўйича тижорат банкларининг маҳсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур.

И.Каримов (асардан).

рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.


Ушбу масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги

«Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада

оширип бўйича чора-тадбирлар режаси тўғрисида»ги ПФ-4053 соили Фармонига асосан, тижорат банклари ўз балансига қабул қилинган почор ишлаб чиқарим корхоналарида молиявий согломлаштиришини ва ишилаб чиқаришини йўлга кўйилишини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси тижорат банклар иштирокида, почор корхоналарни молиявий согломлаштириш, қайта тиклаш, уларни техникавий ва технологик модернизациялаш, қайта жиҳозлаш, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишилаб чиқаришга йўналтирилган «Корхонани почорликка қарши бошқариш бўйича амалий тавсиялар» ишилаб чиқилди.

Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимида жал этилишига қаратилган ишлар ўтган йилларда ҳам амалга оширилган эди. Жумладан, 2008 йилда банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлар билан қўллаб-куватлаш мақсадида, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблагларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш борасидаги ишлар янада фаоллаштирилди. Жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2008 йилда 50,7 фойизга ошиб, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 5771,6 млрд. сўмни ташкил этди (5.4.1-расм).

Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк депозитларига жалб қилинган пул маблаглари ҳажми, млрд. сўм



5.4.1-расм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сонли Фармонига асосан, резидент - жисмоний шахслардан депозит хисобваракларга ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблагларини қабул қилиш бўйича имтиёзларнинг яратилганлиги жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

2008 йилда давомида тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютадаги 300 тадан ортиқ, хорижий валютадаги 100 тадан ортиқ жозибадор

омонаат турлари таклиф этилди. Натижада, аҳолининг кредит ташкилотларидағи маблаглари қолдиги 2008 йилда 69 фоизга ошиб, 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 723,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли Фармонига асосан миқдоридан қаттый назар фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақлардаги омонатлари тўлик кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондиди 41,5 млрд. сўм миқдорида маблаглар шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўргасида танлов ўтказиш тўғрисида» 2008 йил 31 октябрдаги Қарорига мувофиқ 2008 йил якунларига кўра аҳолининг бўш пул маблагларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўргасида илк танлов ўтказилди. Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад – аҳолининг бўш пул маблагларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини янада оширишдан иборатдир. 2008 йил якунлари бўйича мазкур танловнинг ўтказилиши тижорат банклари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларни янада кенгайтирища муҳим аҳамият қасб этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарори қабул қилиниши билан тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолияти янада жадаллашди ҳамда кўплаб янги омонат турлари жорий қилинди. Унбу тадбирлар ўз навбатида банк тизимини янада ривожланишига ижобий таъсир этиб, 2008 йил якунлари бўйича банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми 1,7 марта ошиди¹.

Президентимиз ўз асарлари якунида мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инкиrozга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларни изчиллик билан амалга опириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини беришига ишонч билдирилар. Айни пайтда бу дастур инкиrozдан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишли таъминлап, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратишни белгилаб бердилар.

¹ <http://cbu.st.uz/uz/press>.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

3. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлантириш – барча ислоҳот ва ўзгаришиларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

4. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишиланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.

5. Асосий мақсадимиз – юргимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барни этиши йўлини катъяят билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

6. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишиланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

7. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

8. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

9. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь.

10.2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури // Халқ сўзи, 2008 йил 12 февраль.

11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисолдиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.

12.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. 2006 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иктисолди ислохотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида // Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори. // Халқ сўзи, 2007 йил 24 январь.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 5 январь.

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 23 март.

16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2006 йил 17 апрель.

17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. 2006 йил 26 апрель.

18.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти: <http://www.agro.uz>.

19.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти: <http://cbu.st.uz>.

20.Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти: <http://uba.uz>.

21.Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринbosарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг минтақавий семинарлари материалари, 14 январь – 1 февраль 2009 йил.

ИЛОВА

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилн» Давлат дастурида белгилаб берилган мухим чора-тадбиrlар

Т/р	Дастур бўлимлари ва уларда белгиланган мухим чора-тадбиrlар	Молиявий маблағлар хажми
I-бўlim. Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва мъёрий-хукукий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш		
1.1.	<p>«Ер Кодекси», «Маймурий жавобгарлик Кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги амалдаги қонунларга фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари хажмини оптималлаштиришни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни ҳамда ср-сув ресурсларидан фойдаланиши бўйича жавобгарликни оширишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиш.</p>	
1.2.	<p>Қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - аҳоли турар жойларини мъеморий бош режа (Генплан) асосида қуриш; - уй-жойларни замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда типовой лойиҳалар асосида қуриш; - қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини лойиҳалаштирувчи, ҳудудий филиалларга эга бўлган маҳсус лойиҳа ташкилотини тузиш; - қишлоқ қурилишини молиялаштирувчи ҳудудий филиалларга эга маҳсус Банк тузиш; - қишлоқ жойларда уй-жой курадиган, ремонт ишларини бажарадиган, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини курадиган ташкилотлар яратиш. 	
II-бўlim. Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини мъеморий режалаштиришни таҳсил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш		
2.1.	<ul style="list-style-type: none"> - жойларнинг табиий-иклимий рельефи ва ижтимоий-демографик хусусиятларига мос келувчи, маҳаллий қурилиш ва норуда материаллари захираларидан келиб чиқиб, мавжуд қурилиш базасини жалб этишни назарда тутувчи ижтимоий-маданий ва санитария-маишӣ соҳаларга мўлжалланган объектларни қуриш; - қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг бош режалари ва янги типовой лойиҳаларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва жорий этиш; - таянч «Қишлоққурилишлойиҳа» ихтисослашган лойиҳа-изланиш институтини ташкил қилиш; - ҳудудларда алоҳида аҳоли пунктларини экспериментал намунавий қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш (Қашқадарё, 	350 млн. сўм

Андижон килютларида, Қоракалпогистон Республикасида);

- қишлоқ ахоли пунктларини қуриш бүйича бешта рағбаглантирувчи мукофот билан “Энг яхши қишлоқ”, “Энг яхши вилоят” танловларини үтказип.

III-бўлим. Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш ишларини амалга ошириш

3.1. Қишлоқ аҳолисини яшаш жойларини яхшилаш:

- қишлоқ жойларда 2009-2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш бүйича дастур ишлаб чиқиш;
- жорий йилда қишлоқда 7100 минг кв.м. майдонга тенг уй-жойни қуриб битириш;
- қишлоқ қурилиши бүйича миңтақаларда бўлимларга эга бўлган маҳсус тижорат банкини ташкил қилиш;
- 500 минг кв.м. майдонга тенг бўлган якка тартибдаги уй-жойларни кредитлантириш асосида капитал ремонт қилиш;
- 2009 йилда аҳолиси 5000 дан зиёд бўлган аҳоли пунктларини, 2010 йилда аҳолиси 2000 дан зиёд бўлган аҳоли пунктларини ёппасига инвентаризациядан үтказиш орқали аҳоли ва юридик шахсларнинг келажакда сув, электр энергиясига эҳтиёжини аниқлаш;
- уй-жой қуриш учун кўшимча ер майдонлари мавжудлиги ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш бүйича кўшимча ишчи кучига талабни аниқлаш;
- намунавий уй-жой қуриш учун қишлоқ аҳолисига Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг бўлган, соддалаштирилган кредитларни камида 10 йил муддатта янги ташкил қилинадиган маҳсус банклардан ажратишни ташкил қилиш.
- ёни оиласарга, фермер хўжалиги ходимларига уй-жой фондини қуришга узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш механизмини ишга тушириш.
- вилоятларда ва Қоракалпогистон Республикасида уй-жойларни қуриш, ремонт ва реконструкция қилиш ишларини бажарувчи маҳсус пудрат ташкилотларини ташкил қилиш ва уларни барча турдаги солиқлардан, бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлардан озод қилиш.

494,2
млрд. сўм;
23,3 млн.
доллар

3.2. Қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш:

- 1913,9 км.га тенг бўлган автомобиль йўлларини ремонт қилиш чораларини амалга ошириш;
- мавжуд маршрутларни ривожлантириш ва кўшимча 67 автобус маршурутини очиш орқали қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи автомобиль хизматини, сифатини ва даражасини ошириш.

45 млрд.
сўм

3.3. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш:

- қишлоқ жойларда узунлиги 1836 км.га тенг бўлган янги сув ўтказгич кувурлари ва сув тармоқларини қуриш;
- 304 аҳоли пунктларидаги сув билан таъминлаш объектларини таъмирлаш;
- ҳалқаро молия институтларининг кредитлари ва қарз маблаглари

36260 млн.
сўм
20545 млн.
сўм

	<p>хисобига сув таъминотини яхшилаш бўйича инвестицион лойихаларни амалга ошириш;</p> <p>«Коракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойихаси доирасида сув ўтказгич кувирларни куриш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жумладан: Коракалпогистон Республикасининг Кегейли туманида – 15,2 км, Беруний тумани – 61,2 км; Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида – 14 км, “Хива-Янгиарик” сув тармогини барто этиши – 18 км. <p>«Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сув таъминоти ва қишлоқ аҳоли пунктлари санитарияси» лойихаси доирасида сув ўтказиш кувурларини куриш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида – 53 км, Косон туманида – 98 км; - Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида – 63 км, Нурота туманида – 32 км. - Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Қумқўргон, Музробод, Ангор, Шеробод, Бандахон ва Қизириқ туманларида сув тармокларини реконструкция қилиш ва қайта тислаш; - 2010-2015 йилларга мўлжалланган қишлоқ худудларини барқарор сув билан таъминлаш лойихасини ишлаб чикиш. 	7,5 млн. доллар
3.4.	<p>Кишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш.</p> <p>Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ жойларда 2009 йилда 452 та чакана савдо, 126 та овқатланиш, 1856 та майший хизмат кўрсатиш обьектлари, курилиш ҳисобидан 140 мингта янги иш ўринларини яратиш; - аҳолиси 500 кишидан ортиқ ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида 2009-2015 йилларда камидан биттадан минибанк ташкил этишига эришиш; - аҳолиси 5 мингдан ортиқ аҳоли пунктларида ахборот-ресурс марказларини очиши (электрон библиотека фонди, «ZiyoNet» тармоғи ва бошқа видеопроекцион аппаратлар). - ижтимоий обьектларни телефонлаштириш (3363 та мактаб, 2388 мактабгача тарбия обьектларини, 1249 та врачлик пунктлари, 93 та коллеж, 70 та касалхона), почта хизматини ривожлантириш. 	32,9 млрд. сўм; 5 млн. доллар
3.5.	<p>Аҳоли ишаш пунктларини ободонлаштириши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ туманларининг ободонлаштириш бўлимларининг моддий-техника базасини кучайтириш, тракторлар ва бошқа маҳсус транспорт техникаси билан таъминлаш; - қурилиш материаллари корхоналарини куриш, цемент, гипс, оҳак ишлаб чиқарни корхоналари куриш, бир йилда 81 млн. гишт ишлаб чиқарадиган кичик заводлар, бир йилда 1630 млн. кровел (бўғич) материаллари ишловчи корхоналар куриш; - 84 та деҳқон бозорларини ободонлаштириши. 	1 та ахборот- ресурс марказига - 200 млн. сўм
IV-бўлим. Махаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустрӣал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш.	37,2 млрд. сўм	
4.1.	Жумладан:	17,2 млрд.

- цемент ишлаб чиқарадиган завод қуриш (йилига 74 минг тн., Андикон ва Тошкент вилоятларида);
- оҳак ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш (йилига 3,5 минг тн., Андикон, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида);
- гишт заводлари қуриш (10 та вилоятда, умумий куввати бир йилда 81,1 млн. дона);
- куввати бир йилда 2 130 минг дона том ёпувчи материаллар ишлаб чиқарувчи 6 та заводни ишга тушириши;
- қурилиш материаллари тайёрланадиган 6 та карьерни қайта қуриш ва тиклаш;
- замонавий қурилиши материаллари ишлаб чиқарадиган янги кувватларни ишга тушириш: гипскартон (200 минг кв.м.), сувок аралашмаси (5 минг тн.), алибастр ва бўр (900 тонна);
- 10 минг кв.м. га тенг бўлган дераза ва эшик ишлаб чиқарадиган кувватларини ишга тушириш;
- безаш материаллари, дераза, эшик ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қуриш материалларини сотувчи 77 магазин қуриш.

сўм

V-бўлим. Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш хисобидан қишлоқни кафолатланган зарурӣ электр энергияси билан мунтазам таъминлаш учун шароитлар яратиш.

5.1.	<ul style="list-style-type: none"> - 2558,3 км.га тенг бўлган мавжуд электр таъминоти тармоқларини капитал таъмираш; - узунлиги 153,9 км бўлган электр узатиш тармоқларини барпо этиш ва 2 та подстанция қуриш; - 2010-2011 йилларда қишлоқ жойларда жойлашган мавжуд 4900 км юқори кувватли электр таъминоти тизимини қайta қуриш ва таъмираш; - 896,6 км янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш ва 29 та подстанцияларни қайta қуриш; - 2009-2012 йилларда 854,5 км юқори босимли газ таъминоти объектларини ва 1406,6 км ўрга ва паст босимли газ таъминоти объектларини капитал таъмираш; - 271,1 км бўлган газ таксимлаш тармоқларини капитал таъмираш. 	310,6 млрд. сўм
------	--	-----------------

VI-бўлим. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини кўллаб-куватлашни давом эттириш, уларниң моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкӣ муносабатларни, ўрта табақа – мулкдорларниң, тадбиркорларниң ва ишбилармонларниң манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш

6.1.	<ul style="list-style-type: none"> - фермер хўжаликларини инвестициялар жалб этиш, маҳсулотларни қайta ишлаш ва замоновий мини технологиялар олиб қириш ва янги иш ўринлари барпо этиш соҳаларида кўlлаб-куватлаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиши. - «Қишлоқ жойларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаoliyatни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш; - фермерларга хизмат кўrсатиш тизимини таомиллаштириш; - қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни техника билан 	22,0 млрд. сўм
------	--	----------------

таъминлаш, жами 7547 дона, шундай 5902 донаси лизинг асосида, 1208 таси тижорат банклари кредитлари хисобидан, 437 таси корхоналарнинг ўз маблаглари хисобидан;

- сунъий кочириш усулиниң улупини 20% тача етказиш, 700 бош зотдор қорамолларни четдаи олиб кириш өвазига зотли чорва моллари яратиш ишларини кўчайтириш ва зооветеринария хизмати сифатини ошириш;
- озука экинлари майдонини 324,6 минг гектарга етказиш орқали чорвачиликнинг озука базасини кенгайтириш.

VII-бўлим. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Даствури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича маъсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш

7.1.	<ul style="list-style-type: none"> - сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, фермер хўжаликлари уюшмаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, жумладан уларга 130 та экскаваторлар, 30 та булдозерлар ва мелиорация машиналари етказиб бериш; - 12234 км магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни ва 2828 км ёпик, горизонтал ва вертикал дренажларни куриш, қайта тиклаш ва таъмирлаш; - 3006 та тик дренаж ва сугориш кудукларини тиклаш, таъмирлаш ва қайта қуриш; - ирригация иншоатлари (каналлар, сув омборлари, гидротехник иншоатлар)ни таъмирлаш; - 68 та мелиоратив насос станцияларини, 458 та кузатиш тармокларини, 4472 та гидротехник курилмаларни, 5250 та гидропостларни, 2710 та насос агрегатларини таъмирлаш ва қайта тиклаш; - 4639 км каналларни, 305 млн. куб метр сув омборларини куриш ва қайта таъмирлаш; - 2009-2020 йилларга мўлжалланган томчилаб сугориш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш. 	213,4 млрд. сўм; 142,5 млн. доллар
------	--	------------------------------------

VIII-бўлим. Қишилоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқариши, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуришни ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш орқали қишилоқ аҳолисини, аввало ёшлиарни иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш

	<ul style="list-style-type: none"> - кишилоқ жойларида 65 минг янти иш ўринлари билан таъминловчи меҳнат сигими юкори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш; - чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалиги (35 минг иш ўрни); - сут ва гўштни қайта ишлаш соҳаси (8 минг иш ўрни); - мебель, пойафзал ва тикув цехлари (9 минг иш ўрни); - озиқ-овқат ва қандолатчилик цехлари (6 минг иш ўрни); - маҳаллий хомашёдан қурилиши материаллари цехлари (7 минг иш ўрни); - доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш (кичик технология, маҳсулотларни сотиш бўйича); 	202,0 млрд. сўм
--	--	-----------------

- 70 минг иш ўрни билан таъминлайдиган касаначилик ва халқ хунармандчилигини ташкил қилиш;
- ҳар бир қишлоқ туманида камида 50 та кам таъминланган оиласларни қорамол билан таъминланш эвазига 7000 янги иш ўринлари яратиш.

IX-бўлим. Фуқароларнинг соғлигини химои қилишни яхшилаши, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаши, янги ногонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини мутахкамлаши

9.1.	<ul style="list-style-type: none"> - «Саломатлик-2» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш (тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлиmlарини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш); - туғруқхоналарни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; - «Муруват» уйларини моддий-техника базасини яхшилаш; - меҳнат ветеранлари ва уруш қатнашчиларининг дам олиш санаторияларини моддий-техника базасини яхшилаш; - 2 ёнгача бўлган болаларни эмлаш профилактикасини амалга ошириш; - қишлоқ жойларда профилактик-даволаш сифатини яхшилаш чораларини белгилаш; - 2009/2010 йилларда 6 та академик лицей, 164 та касб-хунар коллежларини, 733 та умум-таълим мактабларини ишга тушириш; - 65 та янги мактаб куриш, 668 та мактабни капитал қайta қуриш, 615 та мактабни капитал таъмирлаш; - 1703 та мактабни мебель, ўкув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер билан таъминлаш; - 168 болалар спорт иншоотини қайta таъмирлаш. 	90 млн. доллар; 1214,8 млрд. сўм
------	--	---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ»**

номли асарини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тузувчилар: и.ф.д., профессор Б.Ю.Ходиев
и.ф.д., профессор А.Ш.Бекмуродов
и.ф.п., доцент У.В.Фофуров
и.ф.н., доцент Б.К.Тухлиев

Муаллифлар таҳрири остида чоп этилган

Босишга руҳсат этилди 25.03.2009 йил. Қоғоз бичими 84x108 1/32.
Шартли босма табоги 8,0. Адади 8000 нусха.
Ташкент “Иқтисодиёт” 2009.

«Sigma-Print» МЧЖда босилган
Заказ № 47

